7 ИЮЛ 1992

Халқ зиёлилари рўзномаси

# Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ, 27 ИЮНЬ ШАНБА

№ 55 (5651).
Баҳоси: 1 сўм 50 тийин.

## • ВОҚЕАЛАР • • ЯНГИЛИКЛАР •

### КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

Избоскан ноҳияси сув хўжалиги бошлиғи С. Ҳамидовнинг ташкилотчилиги билан 140 ўринли болалар боғчаси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Боғча икки қаватли, шинам, ёруғ, қўркам бўлиб, дид билан безатилган. Боғчани қуришда Пахтаобод ноҳиясидаги 333-кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари виждонан меҳнат қилдилар.

Ш. КЕЛДИЕВ.
Андижон вилояти.

●

### МУРУВВАТ

Бухородаги «Минтақавий» биржа жамоаси Бухоро шаҳридаги 24-ўрта махсус мактаб-интернатнинг мучал ёшидаги 13 ёшли барча ўқувчиларига икки минг сўмдан кўпроқ совғалар тарқатишди. Вилоят болалар жамғармаси, марказий универсал магазини жамоаси болаларга ҳар хил ширинликлар совға қилишди. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти мазкур жамоага минг сўм нақд пул берди. Мактаб-интернат жамоаси, айниқса, ўқувчилар бу хилдаги мурувват ва эътибордан ғоятда мамнун бўлишди.

А. ҲАЙДАРОВ.

●

### МАРОҚЛИ САЕҲАТ

Нуроталик «Ёш ўлкашунослар» тўгараги аъзолари яқинда «Нурота — Қадоқ — Яйлов — Оқ тоғ — Лангар — Хатирчи — Навоий — Нурота» маршрути бўйлаб уч кунлик саёҳатдан қайтиб келдилар.

«Ёш ўлкашунослар» саёҳат давомида Оқ тоғ тизмасининг табиатини, унинг хушманзара жойларини кўриш билан бирга тоғда яшовчи чўпонларнинг ҳаёти, Лангар тоғ-конларида ишловчи ишчиларнинг машаққатли меҳнати билан яқиндан танишдилар. 2000 метр баландликда барпо этилган Лангар посёлкасини томоша қилдилар. «Тахтқуҳ» чўққисига чиқиб атрофни кузатдилар. Ёш сайёҳлар тўплаган ўлка материаллари ёш ўлкашунослар тарих-география кабинетига топширилди.

М. ҲАМИДОВ.

●

### ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КЕНГАШ

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси ва вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш олий билимгоҳи ташаббуси билан Олтиариқ ноҳиясида «Бошланғич таълимни такомиллаштирайлик» шиори остида илмий-амалий кенгаш бўлиб ўтди. Унда ноҳия ва шаҳар халқ таълими бўлимларининг методистлари, бошланғич таълим муаллимлари иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари ноҳиядаги изланувчан ўқитувчиларнинг ишларини ўрганиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Т. УМАРОВ.
Фарғона вилояти.

Шу кунларда битирув кечаларининг ҳаяжонли таассуротлари билан яшаётган ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўяр эканлар, уларнинг кўнгилларида битта савол, бир хил қизиқиш: «Эртага нима бўлади?» Эртанинг қандай кечиши эса аслида мана шу ёшларга боғлиқ. Уларнинг билими, дид ва савияси истиқлолнинг истиқболидан далолат беради.

СУРАТДА: Тошкентдаги Мирзо Улуғбек районининг Иброҳим Мўминов номли 113-мактаб битирувчилари.

Суратчи А. МАМАДАМИНОВ.

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБИ». КЎРИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ Ж. Ғ. ИУЛДОШЕВ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБИ» КЎРИГИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА БУЙРУҚ ЧИҚАРДИ. **Кўрикни ўтказишдан мақсад Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар маънавий қадриятлари ва маданиятига таянган ҳолда ўқувчиларга ҳар томонлама билим бериш ва тарбиялашда юқори натижаларга эришаётган ҳамда таълим-тарбия ишларини ташкил қилишда илғор услубларни қўллаётган ўқитувчилар жамоасини аниқлашдир.**

**Кўрик Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига кўрикни ташкил қилиш ва ўтказиш юзасидан кенг тарғибот ишлари олиб бориш ва I, II босқични одилона баҳолашни таъминлаш топширилди.**

**«Ўзбекистон Республикаси мактаби» кўригининг Низоми, кўрикни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари рўйхати тасдиқланди. Кўрик Низомига биноан Республика кўриги ғолибларини мукофотлаш ҳам белгиланди. Шу муносабат билан моддий-техника таъминоти ва молия иқтисод режа Бош бошқармаларига ғолибларни ўқув-техника воситалари билан мукофотлашни вазирликнинг 1993 йил иқтисод билан режасига киритиш топширилди.**

**Кўрикни барча босқичларда ташкилий жиҳатдан пухта тайёргарлик билан ўтказиш, таълим-тарбия ишидаги туб янгиланишлар натижаларини намоён этиш, бу соҳадаги мактаб жамоаларининг илғор иш услублари ва тажрибаларини оммалаштириш район, шаҳар, вилоят ва Республика ташкилий қўмиталари ҳамда кўрик ҳакамлар ҳайъатлари аъзоларининг энг масъулиятли вазифасидир.**

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБИ» КУРИГИ ҲАҚИДА

## НИЗОМ

**1. Кўрик мақсадлари.**

— Ўқитувчилар, мактаб маъмуриятларининг ижодий изланишларини жадаллаштириш;

— миллий мактабларнинг маданий анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш;

— замонавий мактаб қандай бўлиши керак, деган жамоатчилик фикрини мужассамлаштириш;

— мактаб ишининг замонавий мезонини излаш;

— ижодий ишлаётган жамоаларни аниқлаш ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш;

— янги тажриба майдончаларини очиш;

— Қадимги Шарқ мураббийлик меросларини қўллаш;

**II. Кўрик қатнашчилари.**

Кўрикда барча турдаги мактаб жамоалари иштирок этишлари мумкин.

**III. Номзод кўрсатиш тартиби.**

Кўрикда иштирок этиш истагини билдирган жамоа, район, шаҳар ташкилий комитетига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

— 1992 йил 1 октябргача кўрикда иштирок этиш учун ариза;

— 2 нусхада (давлат ва рус тилларида) ўзида қуйидагиларни ёритган ахборот;

1. Мактаб ҳақида маълумот;

2. Мактаб келажагини асослаш;

3. Мактабнинг ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминланганлиги.

4. Моддий-техника базасининг аҳволи. Қандай таъмирлаш ишлари олиб борилган ёки олиб борилаяпти, уларнинг сифати.

5. Ўқув-тарбия ишларини демократлаштириш ва қайта қуриш, ўқув жараёнига янги тажрибаларни жорий қилиш.

6. Ўқитувчиларнинг ижодий ишлашлари учун янгилик шарт-шароитлар яратиш, жамоада ишчанлик руҳининг аҳволи.

7. Қайси миллатга мансублигидан қатъи назар ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш йўллари.

8. Ўқувчиларга билим ва кўникмаларни эгаллашда энг мувофиқ шароитларни яратиш (ўқув-тарбия жараёнини табақалаштириш ва инсонпарварлаштириш даражаси, ўқувчилар истагига қараб қўшимча машғулотлар ўтказиш, кўрик, мусобақа, олимпиада ва бошқалардаги ютуқлари).

9. Мактаб ҳаётидаги ўзига хос янгиликлар, услубий ва бошқарув топилмалари, таълимда янги замонавий усул ва воситаларни қўллаш, ўқув-тарбия жараёнини компьютерлаштириш, ўқувчилар меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил қилиш, тарбиявий ва мактабдан ташқари ишларни ташкил қилиш (клуб, музей ва бошқа тўгарак машғулотлари).

10. Мактаб ишига район (шаҳар) халқ таълими бўлими, ўқувчилар, ота-оналар, жамоатчилик қўйган баҳо ва унинг матбуотда ёритилиши.

11. Миллий ҳунармандчилик элементларини таълим-тарбияда қўллаш.

12. Жаҳон педагогика тажрибасини ўқув-тарбия ишларида қўллаш.

Маъмурият айби билан содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва қонунбузарликлар бўлган мактаб кўрикда қатнашмайди.

**IV. Танловни ташкил қилиш.**

Шу Низомга биноан жойларда (Қорақалпоғистон ХТБ, ВХТБ, Тошкент ШХТБ) танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси ва ҳайъат аъзолари тайинланади. Низомга биноан Ташкилий комитет мактаб ишини баҳолаш мезонини ишлаб чиқади.

**V. Танловни ўтказиш муддати.**

I-тур 1.10.92 — 1.01.93 йилгача район (шаҳар)да ўтказилади.

II тур 1.01.93 — 1.04.93 йилгача вилоятда ўтказилади.

III тур 1.09.93 — 1.10.93 йилгача республикада ўтказилади.

Танловни тайёрлаш ва ўтказишда учрайдиган мунозара ва келишмовчиликлар ноҳия, шаҳар ва вилоят ташкилий комитетлари ва ҳайъатлари томонидан кўрилади ва ҳал қилинади.

Танловнинг навбатдаги муддати 1992 йил 1 сентябрдан бошланади.

Республика ташкилий комитети 1993 йил 10 апрелгача вилоят танлови ғолиблари ҳужжатларини қабул қилади.

Ташкилий комитет ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари II тур ғолиби бўлган мактаб ишларини жойларга чиқиб ўрганадилар.

Танлов иштирокчилари хизмат сафари харажатлари тегишли халқ таълими бўлимлари ҳисобидан тўланади.

Ташкилий комитет ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари хизмат сафарлари харажатлари ҳам ўз иш жойлари ҳисобидан тўланади.

**VI. Танловни якунлаш.**

Танлов якунлари босқичма-босқич — район, шаҳар, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳакамлар ҳайъатлари қабул қилган қарорлари билан тасдиқланади.

Вилоят томонидан 1 ўринни олган мактаб Республика ташкилий комитетига кўрикда иштирок этиш ҳақида ариза билан биргаликда ўз фаолияти ҳақида ахборот, 2 нусхада вилоят халқ таълими бўлими қароридан кўчирма тақдим қилади.

**VII. Ғолибларни тақдирлаш.**

Барча турдаги ғолибларни халқ таълими тизимлари касаба уюшмалари ва ҳомийлар тақдирлайдилар.

Республика якуний танловида I, II ва III ўринни олган ғолиблар занонавий техника воситалари билан тақдирланадилар. Танловнинг бориши ва якуни «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» рўзномаларида ёритилади. Илғор ўқитувчилар ва мактаб раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари, фахрий ёрлиқлари билан мукофотлашга тақдим қилинадилар.

# ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

Яна икки ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлайди. Ўтган бир йилга яқин вақт ичида мустақил давлатимизни жаҳондаги кўпгина мамлакатлар тан олганлиги, улар билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилаётганлиги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора ошиб бораётганлигидан далолатдир. Республикамиз мустақил деб эълон қилингандан бери унинг ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида юз берган қийинчиликларни бартараф эта бориш, мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш энг муҳим, долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти аниқ ва узоқни кўзлаган мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш иши сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда дадил олиб борилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Бу борада барча имкониятлар ишга солинмоқда. Истиқлолни яратиш учун курашар эканмиз, биринчи навбатда мактаб-маориф соҳасига ҳам янгича муносабатларни таркиб топтиришимиз давр зарурати бўлиб қолди. Жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибаси ҳам ўз тараққиётининг дастлабки одимлариданоқ таълим тизимига алоҳида эътибор берганликларини бугун англаб етдик. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон истиқлоли мактабдадир, демоқдамиз.

Республика Президенти бу борада қатор фармонлар қабул қилганлиги, ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, олимлар, умуман зиёлилар турмуш тарзини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг белгиланганлиги, бу соҳада ажратилаётган маблағларнинг тобора кўпайтирилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Жумладан, биргина бизнинг районимизда маориф бюджетига шу йил 16 мартгача 38 миллион 233 минг сўм ажратилган бўлса, эндиликда бу рақам 56 миллион 420 минг сўмга етди. Шу билан бирга районимизда халқ таълими соҳасидаги ходимларга ержой ажратиш, иморатлар қуриши учун қарз бериш ҳамда қурилиш материаллари билан таъминлашга кўмаклашиш каби ишлар ҳам кенг кўламда амалга оширилди.

Барча оталиқ ташкилотлари ҳам маориф соҳасига ўз ёрдамларини аямаётирлар. Чунки мактаб — келажак истиқлол кадрларини тайёрлайдиган маскан. Кадрлар қанча билимли, ишбилармон, ташаббускор кишилар бўлиб етишишса, Ўзбекистон равнақи учун шунчалик катта улуш қўшадилар. Бу эса Республика мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий кафолатларидан биридир.

Барча меҳнаткашлар қатори халқ таълими ходимлари ҳам Мустақиллик байрамини янгидан-янги ютуқлар билан муносиб кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу байрам Билимлар кунида ўтиши ғоят катта аҳамиятга эгадир. Янги ўқув йили ҳам ана шу байрамдан бошланади. Шу сабабли ҳозирги кундаги янги ўқув йилига пухта ҳозирлик катта аҳёмга тайёргарлик билан уйғунлашиб кетди, десам янглишмайман.

Районимизда 51 та мактаб, иккита ҳунар-техника билим юрти, ўнлаб яслибоғчалар мавжуд. Уларнинг моддий-ўқув базасини мустаҳкамлаш, жорий ремонтини июль ойидаёқ тугаллаш долзарб ишлардан бўлиб турибди. Куни-кеча район марказидаги 2-мактабларарo ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг эски биноси қайта таъмирланиб бўлди. Унинг ўрнида 160 ўринли «Камалак» болалар боғчаси очилди. Яқин кунлар ичида 90 ўринли «Бинафша» ясли-боғчаси ҳам фойдаланишга топширилади. Районимизда яна 4 та ясли-боғча биносини янги ўқув йилигача фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

Мустақиллик байрамигача бир қатор хўжаликлар ҳудудида янги мактаб бинолари бунёдга келади. Улар орасида «Коммунизм» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 834 ўринли, «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 417 ўринли, район марказидаги 1176 ўринли, «Гудбин» жамоа хўжалиги ҳудудидаги 422 ўринли мактаб бинолари ва бошқалар бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги иқтисодий қийин шароитларга қарамай, билим масканлари биноларини қуриб битказиш, мавжудларини таъмирлаш ишига оталиқ ташкилотлари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Район ҳокимиятининг фармойиши билан мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ясли-боғчалар, мактабдан ташқари тарбия муассасаларига ҳомийлик қилувчи корхоналар белгиланди. Бундай ҳомийлар орасида Жомбой давлат хўжалиги, Самарқанд жамоа хўжалиги, пахта тозалаш заводи, матлубот жамияти ва бошқалар бор.

Мактабга жонкуярлик кўрсатаётганлар орасида «Азиза» кичик корхонаси жамоаси ҳам ибрат бўлмоқда. Кичик корхона райондаги энг йирик 28-ўрта мактабни оталиққа олган. У шу кунгача билим маскани учун 30 минг сўм маблағ харажат қилди.

Мактабларни компьютерлаштириш, ўқув қуроллари билан таъминлаш масалалари ҳам район ҳокимиятининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ҳозирга қадар 12 та мактабимиз компьютерлаштирилган бўлса, яқин вақт ичида бундай мактаблар икки ҳиссага кўпайтирилади.

Умуман, мактабни истиқлол таянчи, деб қараётган қишлоқ Кенгашлари таълим соҳасини ҳар томонлама ривожланишига эътиборни қаратмоқдалар. Бу борада М. Раҳматов етакчилик қилаётган Қорамўйин, Н. Арчибоев раиси бўлган Жомбой қишлоқ кенгашлари, Г. Тоштемирова етакчилигидаги Жомбой шаҳар кенгаши фаолиятини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим деб ўйлайман.

Бугун депутат сифатида Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясига отланар эканман, бу катта анжуманда халқ таълими тўғрисидаги Қонунни муҳокама қилиб, қабул қилинишини жуда-жуда истардим. Чунки бу қонун Республикамизда мактаб-маориф ишини тубдан янгилашга, ўқитувчилар ва тарбиячилар турмуш тарзини фаровонлаштиришга, энг муҳими истиқлолимиз кадрларини ҳар томонлама пухта тайёрлаб етказишга кафолат бўлади, деб ўйлайман. Зотан, бизнинг келажагимиз, мустақиллигимиз эртаси бугунги мактабдан бошланади. Шунинг учун ҳам мактабга эътибор барча ҳокимият идораларининг долзарб иши бўлмоғи лозим.

Келдиёр ИСРОИЛОВ,
Жомбой район ҳокими, Ўзбекистон Республикаси депутати.

# ШУ СОНГА ХАБАР

Бозор иқтисоди муносабатлари оқибатида юзага келган баъзи инжиқликлар рўзномаларимизнинг мунтазам чиқиб туришига, муштарийларга ўз вақтида етиб боришига ҳам катта таъсир қилди. Айниқса, шу кунларда севимли «Маърифат»нинг фақат сотувда чиқаётганлиги биз педагогларга жуда қимматга тушмоқда. Сабаби, уни ўз вақтида топиб ўқиш, берилаётган мақола ва муаммолар юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришдан орқада қолиб кетаяпмиз.

Жамоамиз педагоглари масаланинг бу жиҳатларини инобатга олиб, йилнинг иккинчи ярми учун ёппасига рўзномага обуна бўлишди. Шунингдек, «Маърифат» ҳисобига ўз жамғармаларидан 250 сўм пул ўтказишди. Албатта, бу пул, гарчи арзимас бўлса-да, аммо тома-тома кўл бўлур, дейишади-ку, халқимиз!

Қани энди, ўзини халқ таълими ходими, деб билган барча педагогларимиз ҳам ўз саховатларини севимли «Маърифат»имиздан дариғ тутмасалар. Эҳтимол, ана шунда рўзномани ҳеч иккиланмай ҳар бир педагог сотувдан қидириб эмас, балки ўз уйида ўқиган бўлармиди!..

Зиёқул ТОЖИЕВ,
Сурхондарё вилояти Шеробод ноҳиясидаги 5-ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси.

*Ўқитувчиларнинг август кенгашларига*

# УМУМИЙ СЎЗЛАР КАМРОҚ, ИЛҒОР ТАЖРИБА КЎПРОҚ БЎЛСИН!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ ЎРТА УМУМИЙ ТАЪЛИМ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИҒИ НАСИБА ҒУЛОМОВНА СОЛИХЎЖАЕВА МУХБИРИМИЗ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ.**

**— Биз анъанавий август кенгашларида ўтган ўқув йили якунларини таҳлил қилишга ва бошланаётган ўқув йилидаги ишлар йўналишларини белгилаб олишга кўникиб қолганмиз. Ортга назар ташлашдан ҳозир ҳам чекинмаслигимиз рост. Маълумки, Республика ўқув-методика маркази, шу жумладан, Сиз раҳбарлик қилаётган кабинет ходимлари вилоятларда бўлишиб имтиҳонларни ўтказишда иштирок этдилар, комиссияларнинг иши, медалга даъвогарлардан ёзма имтиҳонларни қабул қилиш устидан назоратни амалга оширдилар. Сизнинг фикрингизча, тугалланган ўқув йилнинг имтиҳонлар кампанияси қандай ўтди?**

— Умуман олганда ташкилий жиҳатдан яхши ўтди. Ҳамма жойларда медалга номзодлардан имтиҳон қабул қилувчи район ва шаҳар комиссиялари тузилди. Улар Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан юборилган топшириқлар жойланган махсус хатжилдларни имтиҳон бошланиши олдидан олдилар. Оммавий эътирофга кўра, топшириқлар мураккаб эмас. Бунга ўхшаш топшириқларни ўқувчилар ечганлар, ёзганлар.

Ҳозирда тўла-тўкис якун чиқаришга эрта. Шуни айтишим мумкинки, барча медалга даъвогарлар ҳам ўзларининг юқори баҳоларини оқлай олмади. Ёзма ишларда «уч», ҳатто қониқарсиз баҳо олганлар ҳам талайгина.

Биз эндиликда битириш имтиҳонлари якунларини таҳлил этишни, типик хаталарни «йиғиш»ни ва уларни бартараф қилиш юзасидан методик тавсияномалар ишлаб чиқишни режалаштирмоқдамиз. Ўйлайманки, бу болаларимиз саводхонлигини яхшилаш бўйича амалий ишларда ўқитувчиларга ёрдам бўлади.

**— Биз газетамизда ўқув режалари вариантларини эълон қилишни якунладик. Вариантлар эса ҳеч қачон бу йилдагидек кўп бўлган эмас. Сизлар мазкур ўқув режаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этгансизлар. Малол келмаса, уларни шарҳлаб берсангиз.**

— Гап шундаки, газетада эълон қилинган ўқув режалари вариантлари биз ишлаб чиққан вариантларнинг ҳаммаси эмас. Фанлар чуқур ўргатиладиган мактаблар учун яна 25 та вариант мавжуд, яъни ҳар бир предмет бўйича ўқув-режа варианти тузилган. Мана, мисол учун чет тили чуқур ўргатиладиган мактабларга биз учта вариант тавсия этганмиз. Бу вариантлардан истаганини ўқув жараёнига танлаб олиш мумкин.

Янгиликлардан яна шуни ҳам таъкидлашни истардимки, биз ихтисос мактаби ўқув режасига иккита чет тилини ўрганишни мажбурий қилиб киритдик.

Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили ўқитилиши масаласида (бу борада бизга кўпдан-кўп саволлар билан мурожаат қилинмоқда) шуни айтиш лозимки, ўқув режасининг асосий вариантларида дарс соатлари қисқартирилмаган. Чет тили ўқитилиши сингари рус тилида ҳам синф ўқувчилари илгаригидек бўлиб ўқитилади. Биз рус тили чуқур ўқитиладиган ўзбек мактаблари учун ўқув режаси вариантларини ҳам ишлаб чиқдик.

Республикамиз мактаблари иккинчи йилдирки, кўп вариантли ўқув режалари бўйича ишламоқда. Демак, шуни қайд этиш лозимки, таълимнинг бу шакли маъқул келмоқда, қарор топмоқда. Ҳар бир мактаб имкониятини, ўқитувчилар кучини ҳисобга олиб, ҳоҳиши бўйича ўқув вариантини танлаб олади. Ижодий ишлаш учун кенг имкониятлар манбаи ҳам ана шундадир.

**— Бу йил август кенгашларини ўтказиш тўғрисида биз газета саҳифаларида батафсилроқ материаллар берамиз. Сиз ҳозирча бу кенгашда қандай янгиликлар бўлишини умумий тавсифлаб беролмайсизми?**

(Давоми 3-бетда).

*Истиқлол, мерос, янгиланиш*

# МОЗИЙГА ПАЙВАНД ҚАДРИЯТ

## РАМЗ, ТАМҒА, ГЕРБ...

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг истиқлолий одимларга даъват этувчи мурожаатидаги: «Ҳаётнинг ўзи жамиятимизни озодлик, демократия ва ошкоралик асосида бошқаришни тақозо этади. Ишни республика маънавий бойлигини тиклаш ва камол топтиришдан бошламоғимиз керак», деган сўзлари мени ҳам қувонтирди, ҳам ўйга чўмдирди. Ахир «буюк социализмнинг тарих кўрмаган маданиятини бунёд этиш» жараёнида мозийдан силсила тортиб келаётган озмунча қадриятларни вайрон қилиб, халқимизнинг ўқ илдизи минг йилларга қараб кетган маънавий бойликларини талон-тарож этишга, камситишга, қадимийлигини хаспўшлашга йўл қўйиб бермадикми?! Боғчадан бошлаб қўлимизга ўроқ ва болғали қизил байроқчани тутқазиб — мана бу сенинг асли ватан байроғинг, дедилар. Мактабга тетапоя қилувдикки, яна ўша қизил рангли ленталар билан чирмаштириб боғлаб ташланган ўн беш республика белгисини пеш қилиб — мана бу эса давлат «гербинг» дея уқтирдилар. Ўқишни бошлаганимизга уч йил бўлар-бўлмас, 1947 йилда тасдиқланган, Темир Фаттоҳ шеъри билан айтиладиган мадҳияни ҳаммамизга ўргатиб — бу бўлса, «Ўзбекистон гимни», дедилар. Во ажаб, «буюк оғамиз»га саждангинг зўрлигини қарангки, мана шу «Ўзбекистон гимни» дегани билан ҳар куни азонда, ҳали товуқлар дарахтдан тушмасдан ҳаммамизни уйғотиб, кеч тунда эса уйқуга кетказиб янгларди ушбу мадҳиядаги мана бу «қуйма», қўрғошиндек сўзлар:

Ассалом, рус халқи,
Буюк оғамиз!
Ассалом доҳиймиз Сталин,
жонажон, жонажон!..

«Қуйма» сўзларнинг «сеҳрона» хусусиятини қарангки, кейинчалик, шахсга сиғиниш даври қораланганидан сўнг, «Сталин» сўзи «Ленин»га алмаштирилса-да, мисрадаги «қўрғошин» маъно сақланиб қолаверди, халқнинг наинки қулоғига, балки дилига ва миллий ғурурига, оғир ботишда давом этаверди...

Хўш, бизда байроқ, «гимн», «герб»ларнинг тарихи шу қадар қисқами? Уларнинг майдонга келиши фақат «Совет даври» билан боғлиқ холосми? Нега Туронда, Мовараннаҳрда, Туркистонда ҳам бундайларнинг азми тарихи минг йилларга қараб кетгани ҳақида ошкора, мозий ҳақиқати билан сўзламай келдик? Нима учун бу борада ҳам адолат тарозусининг посангиси «социалистик саралаш» натижасида нотўғри тортилиб, қарийб етмиш икки йил мобайнида хаспўшланиб келинди?! Ушбу саволлар мени қийнаб келарди ва шу боис қўлга қалам олиб, халқимизнинг маънавий бойлиги, миллий қадриятимиз ҳисобланиб келган мадҳия (гимн), байроқ (туғ), давлат белгиси (герб)лар ҳақида бирмунча фикр юритиб, айрим мулоҳазаларни баён этишни хайрли иш деб билдим. Шояд масҳабдошу маслакдошларимиз бундайлардан бирон-бир фойдали маълумот олсалар, маънавий қадриятдан бирмунча дурустроқ оғоҳ бўлсалар...

Ўз вақтида Туркистон ўлкасини шафқатсизлик билан босиб олиб, мустамлакага айлантирган Чор Россияси наинки ҳуррияти-мизни, балки истиқлолимизни барбод этганди, миллий бойликларимизни талаб, босқинчиларча олиб чиқиб кетиб, қадриятларимизни поймол қилган, қадимий маданий меросларимизни камситган ёхуд бутунлай йўқ қилган эди ҳам. Чоризмнинг «ҳамлаи — муборак»и (генерал Черняев таърифи)дан сўнг бу ўлкадаги халқлар, миллатлар, элатлар вакилларига нисбатан ирқчилик сиёсати қўллана бошланди, маданий масканларга, истироҳат боғларига «тузем»лилар киритилмай қўйилди, ҳатто бундай жойларнинг дарбозаси тепасига — «Сартам, собакам и солдатам вход воспрещён», дея ёзиб қўйиларди. Шарқ мамлакатларидан қадимий «ипак йўллари» узра келадиган тужжорларнинг ҳам чегараларда темир «таможня» ўрнатилгач, қадами қирқилди... Маданий муносабатлар кўламига ҳам раҳна тушди. Исломиёна аснолар билан йўғрилган туғлар маҳв этилди, шаҳарлар ҳуснини безаб турувчи азалий рамзу мазмундор белгилар, шарқона тақвим (Умар Ҳайём кашфиёти асосидаги ҳам) бекор қилиниб, «Григориан календари» жорий этилди. Қаҳратон қишда Янги йилни байрам этиш сиёсати аста-секин жорий этилиб келинди, халқнинг Наврўз, Баҳорой сингари қаҳрамонлари ўрнини бора-бора «Снегурочка», «Дед-мороз»лар эгаллай бошлади. «Ҳилоли аҳмар» майдондан сурилди, ўрнига «Красный крест» кириб келди (кейинчалик советлар даврида «Қизил крест ва Қизил ярим ой» атамаси пайванд этилди).

Чоризм маҳв этилгач, «Буюк Октябрь»дан сўнг ҳам Туркистон ўлкаси халқларининг мушкули деярли осон бўлмади, аксинча, сиёсий, иқтисодий турмушнинг кўпгина томонлари ундан ҳам баттарроқ занжирбанд этиб ташланди. Маънавий ҳаётда ҳам ўта чекланишлар, демократияни поймол қилишлар, миллийликни нигилистик исканжага олишлар барқ уриб, қулоч ёзаборди, диний маданият ҳам «халқ учун афъюндир» дея ҳақоратланди... Чоризм босиб олиб, ўзига қарам қилган Туркистон ўлкасига ўз «герб»ини — икки бошлиқ бургутни ҳам олиб келиб ўрнатди. «Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ҳам бизнинг ерларимизга ана ўша Чор Россияси олиб келиб киритган «герб» атамаси ҳаракатда давом этаверди, «Советлар даври»да ҳам ўзимизнинг қадимдан амалда келган анъанавий рамзларимиз, белгили тамғаларимиз, азалий нишоналаримиз, миллий ишоратгичларимизга аҳамият берилмади. Аксинча, «Ўроқ ва болға» каби белгилару «СССР Давлат герби», «мустақил» республикалар давлат «герби» сингарилар таъсис этилиб, янгитдан жорий қилинди.

Агар биз бугунги кун нуқтаи-назардан ёндашиб таҳлил этсак, яқин вақтлардан бери одимлаётган истиқлолимиз туфайли тобора уйғонаётган миллий озодлик ҳис-туйғуларимиз, қулоч ёзиб бораётган демократик интилишларимизу ўзлигимизни идрок этиб, тараққий этиш пиллапоясидан ана ўша собиқ «СССР герби»га назар ташласак, «мустақил» дея аталиб келган 15 республика нақадар марказга ришталаниб, қарам бўлиб қолганининг, ҳаётдан узоқ «қип-қизил» ғоялар билан йўғрилган алвонлару манфур бюрократик «лента»лар билан чирмаштириб боғлаб ташланганининг яққол гувоҳи бўламиз... Хўш, аслини олганда, «герб» атамасининг ўзи россияликларнинг ихтиросими?.. Чоризм Туркистон ўлкасига зуғму зўрлик билан ўз «герб»ини олиб киргунга қадар бизнинг модари заминимизда аждодларимиз шу аснодаги белги, нишона нималигини билмаганларми? Азалдан билганлар! Ҳа, немис қиролларию, герцоглари «ербо» сўзини ишлатишидан ва ушбу сўз русларга «герб» бўлиб кириб келишидан минг йиллар аввал бунингдек мазмунга эга белгилару рамзларни яхши билганлар ва улардан ҳукмронлик нишонаси, ўзлигидан ва ўзига хослигидан далолат бериб турувчи ишорат сифатида фойдаланганлар. Ибтидоий даврлардаёқ бизнинг аждодларимиз тошдан, суякдан, сополдан, мисдан, бронзадан рамзий белгилар ясаганлар, тош муҳрлару кейинчалик тилло муҳрларда ўзларига хос белгиларни акс эттирганлар. Тош-тамға (муҳр)да турли рамз, белги, ишораларнинг акс эттириш ҳам ўзининг жуда кўҳна, ўқ илдизи минг йилларга қараб кетган тарихига эга. Тош-муҳрга белги, рамз, тимсол жо этиш ҳали ёзгу майдонга келмасдан аввал буюк аждодларимиз томонидан кашф этилган ва амалга оширилган.

Тамғага ёзгуларни жо этиш эса кейинчалик ихтиро этилган. Қолаверса, тамғага, белги, рамз, тимсол туширишдан ёзгуларни жо этиш бугунги кундаги «гербли муҳр» (гербовая печать), «гербсиз муҳр» (негербовая печать)ларнинг индаллоси, дебочасидир... Азалдан тош-тамға, суяк тамға, тилло тамға, бронза тамғалар, ҳатто ёғоч тамғалар бўлганлигидан дараклар мавжуд. Қаттиқ нарсадан ишланган муҳр тамғага «Тамғаи қавий», юмшоқ нарсадан ишланган тамға-муҳрга «Тамғаи нарм» дея нисбатлар берганлар қадимда.

Улуғ аждодларимиз яшаб ўтган модари заминда белги, рамз, нишоналар тарихи тўрт минг йилдан зиёдроқдир. Оташпарастлик даврида оловга сиғинилган, зардўштизмнинг асосчиси — пайғамбари Заратуштранинг ўзи ҳам аввал қоҳинлардан бўлиб, оловни муқаддас илоҳий деб билган ва унга сажда қилган. Мана шу оловни инсон қудрати боис берадиган манбаъ — иккита қайроқ тош, ўша пайтлардаёқ ўзига хос рамз маъносини касб этганди. Бирининг устига иккинчисини кўндаланг қўйиб, келиштириб урилган ва учқун, олов берган ана ўша икки қайроқтош ибтидоий даврлардаёқ оташпарастларнинг рамзига айланганди, кейинчалик ундан хоч, бут, салиб, «крест»лар ҳам ўз индаллосини олган. Сўнг бу ҳамма нарсанинг боши икки нарсадан, деган «дуализм» тушунчасининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Ундан ҳатто «Чаҳор — калит» рамзи ҳам ўз асосини олган (ушбу белги қадимқадимларга илдиз отган бўлиб, ёвузлик, ваҳшийлик рамзи бўлган «свастика» — фашистлар белгисига асли мазмуни билан ҳеч қандай алоқаси йўқдир. «Чаҳор — калит» ҳаёт-мамотнинг тўрт манбаи, яъни — сув, ҳаво, ер, оловнинг рамзидир... (Мен чаҳор калитни Миср қадимий фиръавнлар эҳромидаги мўмиё аслланган жасадлар устида ёпиғлиқ малларанг матоларда ҳам мавжудлигини кўрганимда, унинг фашистлар белгисига мутлақо алоқадор эмаслигини яна бир бор идрок этган эдим — Б. Н.).

Биз буюк аждодларимиз бир неча минг йиллар аввал яратиб кетган оғзаки ва ёзма тарихий манбаларга мурожаат қилганимизда, белги, рамз, нишоналар ўша пайтлардаги яловларда (байроқларда) ҳам бўлганлигидан дарак топганмиз.

Маълумки, зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг дебоча нусхаси аввал оғзаки равишда майдонга келган ва унинг таваллуд топишига бизнинг азалий модари заминимиз бевосита алоқадор. Сўнг «Авесто» бошқа муқаддас китоблар сингари ёзгуга олинган. Биз «Авесто»га ёндашар эканмиз, ундаги Сиёвуш воқеалари пайтида ҳам жангариларнинг байроқлари бўлганини ва уларда турли белги, нишоналар, у ёки бу томон ҳукмронларига мансублигини кўрсатиб турадиган ишоратгичлар мавжуд эканлигидан огоҳ бўламиз. «Авесто»даги «Баҳромяшт»нинг сураларида айнан шундай томонлардан бири — ғанимларнинг аробаси ва унинг устида кўтарилган байроқ ҳақида сўз боради.

Маълумки, «Сиёвуш» («Авесто»да Сьяваршан, Фирдавсий «Шоҳномаси»да, халқ ривоятларида Сиёвуш ёхуд Сиёваш дейилади) воқеалари, унинг шаҳид бўлиши тарихига тўрт минг йил бўлаяпти. Машҳур тарихчи Наршахий бунга асос бўларли маълумотни ўз вақтида бирмунча аён этиб кетганди... Ўша вақтлардаги белги, рамз, нишоналардан «Икки оёқларида тик туриб, думини гижинг қилиб, бир-бирига қўл бериб, ўпишиб турган қанотли отлар», «Ўнг ва сўлга қараб турган икки отнинг бўйнидан ушлаб, ўртада турган «илоҳий» ва унинг бошини чап томонида қуёш, ўнг томонида ой, пастида эса оташкадада олов кабиларни ва яна бошқа муқаддас деб билинган ишоратларда оғиз-бурун ўпишиб турган, думи гижинг, икки оёғига тиралиб ўтирган қашқирлар ҳамда ой, олов, кубчалар, ҳаёт дарахтининг шохларида ўпишиб ўтурган икки кабутар, кўзада сув, ерда оташкада қурилмаси, қуёш ва ой, қиррасиз юлдуз, заминдаги ўсимликлар акс эттирилган. Қадимги рамзу ишоратлардан кўринадики, «исломий туғ»даги «ҳилол-аҳмар» (ўткир қиррали қизил ой) ва юлдуз ҳам ўз дебочасини ана ўша зороастризм даврига мансуб ой билан юлдуз белгисидан мерос қилиб олган. Фарқи фақат шундаки, зардуштлар вақтида ой ётиқ аснода, яъни арабча «нун» ҳарфи шаклида ва қиррасиз ёруғ юлдуз унинг устида берилган, исломиёна белгида эса ой тик аснода, юлдуз эса беш қиррали шаклда ва ойнинг ярим қуршовида берилади...

«Авесто» майдонга келган вақтлардаги муқаддас белгилар, ишоратлар, рамзлару нишоналарда яна бошқача тимсолларнинг аксини ҳам кўриш мумкин: «Иккита шохли қўчқор, қаноти кўтаринки, оғиз-бурун ўпишиб, икки оёқда қўл беришиб турибдилар, иккининг вужудидан ўпкалари кўриниб турибди, кўзада сув тимсоли ҳам бор, ерда қурилма, унинг устида ёлқин, пастда ярим ой ва қиррасиз ёруғ юлдуз, тепада тўрт қиррали «куб»чалар... Яна бир рамзияда «икки бошли, шохли ҳўкиз, ярим ой, қуёш, осмон, ер, оташкада қурилмаси ва аланга» мавжуд. «Икки бошли ҳўкиз» ҳақида сўз бораркан, кейинчалик ҳам динда муқаддас бўлган «Бақара»ни эсга олса бўлади. Юқорида зикр этилган ишорат, белгиларга аҳамият берадиган бўлсак, аввало, «қуёш ва ой» ёхуд «ой ва юлдуз»ларда ана ўша «дуализм» рамзини кўрамиз. «Ер, сув, олов, ҳаво»ларда эса биз тилга олган «Чаҳор калит» рамзияси акс этган. Ҳа, булар «тамға» (аслида эса «тамғо») атамаси майдонга келишидан анча аввал аждодларимиз маънавий ҳаётида ҳаракатда бўлганлар... Ушбу ишорат, белгилардан муқаддас тимсолиялардан буюк аждодларимиз тинчликни, дўстликни, нур-зиёни, бахт-саодатни, ризқ-насибани, ҳаёт-манбааларини, модари заминни, табиатни, диний эътиқодни нақадар муқаддас деб ҳисоблаганлари яққол кўринib туради.

Маълумки, «Авесто» салоҳиятли буюк аждодларимизнинг муқаддас китобигина бўлиб қолмаган, у улкан маънавий қадрият ва муқаддас манбаъ сифатида бундан бир неча минг йиллар аввал Осиё, Африқо, Оврўпо минтақаларига ҳам кириб борган... Эллинистик олам жангарилари, Искандар Макдуний (Александр Македонский)нинг юнон навкарлари орасида ҳам «Авесто»нинг суралари муқаддас билиб, уларга эътиқод боғлаб юрганлар ҳам бўлган... Ажаб эмаски, ана ўша немисча «ербо» Олмонияга шарқона «кирбо» («курбо»)дан кириб борган бўлса...

Маълумки, Кир (Куруш, Кайхусрав) шоҳ бизнинг қадимий аждодларимиз ерларида ҳам жангу-жадаллар олиб борган, у шаҳид этилган Сиёвушнинг зурриёти бўлиб, задуштийлар муқаддас китобида унинг номи Кави-Хаосрав дея, аталади. Ушбу ҳукмрон билан боғлиқ воқеалар Афросиёб (Самарқанд), Кай-Кубод (ҳозирги Қува), Кай-Ковус (Тошкентда қазилган катта ариққа тааллуқли)ларга ҳам чатишган. Кирнинг номи билан қадимги шаҳар — Кирополь ҳам мавжуд эди. Шаҳарнинг рамзи, белгиси «Кирбо» ушбу ҳукмроннинг байроғида ҳам бўлган. Қадимдан халқ орасида келаётган ҳикоятлардан бирида шундай дейилади:

— «...Кайхусрав Туронга бостуруб кирди ва хунрезликни авжига миндирди. Анинг мақсади — бир вақтлар Афросиёб томонидан шаҳид этилган Сиёвашнинг ўчини олмоқ эди. Лак-лак, минг-минг навкарли қўшинини тортиб келаркан, «Кир-бор» дея битилган аламини ҳам ҳилпиратди, ёнаётган шаҳарлар, уйлар алангасидан ва тўкилаётган қонлар рангидан Киршоҳ туғи қизил рангда кир бўлди...

Тўмарис чопқир юборди ва муҳрланган баённомани Кайхусравга етказди — унда «Жангни тўхтатиб, хунрезликни битказ» дейилганди. Киршоҳ жаҳолат тахтига минган эди, қайсарлик қилди... Тўмарис отга миниб, шамшир кўтариб, унга қарши ўз қўшинини тортиб борди, чунонам жанг бўлди!.. Тўмарис тажовузкорни қилич билан уриб, отдан туширди, даҳшатли олишув адолатпеша фойдасига ҳал бўлди. Киршоҳнинг байроғи ўзининг куфр қони билан яна ҳам кир бўлди...» (Мен ушбу ҳикоятни сулоласи 400 йилга илдиз отган Хонпошшо — отиндан эшитгандим, ундан машҳур драматург Хуршид ҳам «Сиёвуш» драмасини яратаётганида баҳраманд бўлган эди — Б. Н.). Кўринадики, мазкур ҳикоятда массагетлар иттифоқининг ҳукмрони ва лашкарбошиси Тўмарис томонидан Киршоҳ мағлуб этилган ва унинг байроғи-ю рамзий белгиси барбод бўлган.

Ҳа, немислар «ербо»ни шарқона «кирбо»дан олган бўлишлари мумкин, ахир шарқдан «арий», «ариец» атамаларини ҳамда «Чаҳор — калит»ни фашист белгиси сифатида қабул қилиб олганлар-ку!.. «Герб»да шарқда ишлатилиб келинган «гирбарг» тушунчаси парданишин бўлиб ётган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир, «герб»да бўлгани сингари «гирбарг»да ҳам баргдан чамбар бор-ку!

«Тамға» атамаси ҳақида ҳам бир неча маълумот ва қадимдан келаётган тушунчалар хусусида сўзлаб ўтмоқни фойдали бўлса керак, деб биламан. «Тамға» сўзининг майдонга кириб келиши жуда азалий тарихга эга. Аслида у қадимги пайтларда аждодларимиз томонидан «тамғо» дея сўзланган. Ҳазрат Навоий даврида ҳам мазкур атамани мана шундай сухан этиш давомлаб келганди, бобокалон шоиримиз ўз асарларида «тамғо» деб ишлатганлар.

Ибтидоий даврларда уруғ бошлиқлари турли тошлардан, суякдан, кейинроқ эса мадан (мис, бронза)дан ҳар хил белгилар, тимсоллар акс эттирилган нишоналар, рамзиялар ишлаганлар ва бўйинларига осиб юрганлар. Аждодларимиз аста-секин ана шундай белги, тимсолларни тақинчоқларга, аёлларнинг узук, билакузук сингари нафосат безакларига турли тамғалар орқали туширганлар. Бундай белгилар суякка, ёғочга қуйдириб ўтказиш, металлга тушириш (тамғалаш) орқали амалга оширилган. Бора-бора рамзни, белгини, тимсолни тамғалаш олтин, кумуш, мис тангаларни зарб этишда ҳам қўлланилган. Бундайларни қадимги Суғд, Бактрия, Хоразм тангаларидан ҳам кўриш мумкин бўлган. Аввалига тамға босувчилар «тамғоч» дея аталганлар, кейинчалик эса «тамғадор» деб номланганлар. Тамға-муҳр босувчини ва унинг билан иш олиб борувчини, муҳр (тамға) сақловчи мансабпарастни (лавозим эгасини) «тамғочи» ҳам деганлар.

«Тамға» туркийларда қадимдан маълум эди, у ўз вақтида машҳур ҳукмрон бўлган аждодимиз Ўғизхон даврида ҳам (бундан икки минг йилдан аввалроқ) ишлатилган. Ўғизхон сулоласининг «тамға»ларида ҳайвону қушлар ўз аксини топган. Ўғизхон ва унинг зурриётлари ҳақида «Тарихлар мажмуаси» (Рашиддин асари)дан маълумот олишимиз мумкин. Ўғизхоннинг қаҳрамонликлари ўзбек, туркман, қорақалпоқларнинг ривоятларида, XX аср шоир, munaққид, драматургларидан Фитрат, Хуршид, Абдулла Бадрий, Ҳамзаларнинг асарларида ҳам таъриф этилган. Бундан тўққиз аср аввал яшаб ижод этган машҳур олим Маҳмуд Қошғарий ҳам ўзининг «Девони луғатит турк»ида «тамға» сўзидан дарак беради ва уни ҳукмдорлик тамғаси ва муҳри сифатида изоҳлайди. Қошғарий «ҳукмдорлик тамғаси» деганда, «тамғаи кафий»ни, яъни ҳукм битилган қоғоз, (мато, чарм) устидаги эритилган сурғучга босилган қаттиқ, белгили тамға-муҳрни назарда тутмоқда. Маълумки, атоқли ўзбек ва тожик ёзувчиси Садриддин Айнийнинг «Қуллар» асарида ҳам эритилган сурғуч устига босилган муҳрдек деган ёзув бор. Маҳмуд Қошғарийнинг «муҳр» дея бераётган изоҳида эса юмшоқ тамға — «тамғаи нарм», яъни подшоҳнинг ҳукмидан фарқли ўлароқ ёзишмалари, ҳужжатларга босиладиган муҳр ҳақида сўз бораётир. Синчиклаб разм солайлик-а, ана ўша «Девону луғатит турк»дан ҳам бизнинг кунларимиздаги «гербовая печать», «канцелярская печать»ларнинг шеваси келиб турибди... Қолаверса, Маҳмуд Қошғарий «тамға»ни фақат подшонинг ҳукмдорлик тамғаси-ю муҳри билан изоҳлаб ушбу атамани ўша тор маънода тушунишга сабаб бериб қўйган. Аслида эса «тамға» азалдан кенг маънода идрок этилиб, қўлланиб келинган, ҳакимликда (мададди синода) «тамға» қадим-қадимлардан қўлланилиб келинган. Масалан, оёқнинг тагида, товонда жароҳат пайдо бўлиб, тери остида йиринг, пасот тўпланиб қолса, учи думалоқ қилиб эгилган симни қиздириб, «тамға» босилган. Бу усулдан қозир ҳам тоғли, чўлли ерларда халқ табиблари фойдаланиб келадилар. Диний ҳикояту ривоятларда, шунингдек, бадиий ижодда ҳам «тамғаи лам-язал» тушунчаси нисбати мавжуд. У абадийлик, ўлмаслик, боқийлик муҳри, сифатида ишлатилади. «Муҳри муврус» ёки «Тамғаи маврус» тушунчаси мерос муҳри, ворислик тамғаси асносида қўлланиб келинган.

Айрим «ўта билимдон» оврўполик маданиятшуносу мусиқашунослар Шарқда (шу жумладан, Ўрта Осиёда ҳам) «нота» ёзуви ўтмишда бўлмаган дея, даъволар қилиб келганлар. Уларнинг ўқитишича, мана шу ёзувни қадимда юнон Пифагор дастлаб яратган. Йўқ, асло бундай эмас! Шарқда (Сурияда) «нота» ёзуви (аслида эса «нухта» билан ёзув) Пифагордан 800 йил аввал майдонга келган. Бунингдек ёзув Мовароуннаҳрда ҳам бўлган. У «Тамғаи лаҳн», яъни нуқта уриб ёзиш, деган маънони билдирган. Тамға босиш, яъни тамғалаш, қадимдан чорвачиликда ҳам аждодларимиз томонидан қўлланиб келинган. Бу усул ҳозир ҳам чорвачиликда мавжуд. Қушларнинг оёғига тамға боғлаш ҳам кўп асрлар оша давом этиб келади... Ўз-ўзидан маълумки, буларни «герб»га алоқаси йўқдир. Бундай тамғалашлар белги сифатидагина эмас, молларга нисбатан қўлланиладиган даволаш сифатида ҳам маълумдир...

«Тамға», «тамғалаш», «тамға босиш» (уриш) деганда мозийда риёкор, ёлғон сўзлаб одамларга шўр-шар келтирувчи, фисқ-фужур тарқатишни ўзига одат қилиб олган кишиларнинг тилига олий жазо сифатида тамға қиздириб босишни ҳам тушуниш керак. Бирон-бир кимса саволларга жавоб бермаса, одамларнинг «тилингга тамға тушганми?», дейиши ҳам ана шундан келиб чиққан. Қадимда «қочиб кетмасин» деб қулдор ўз қулларини тамғалатиб қўйган. Ўтмишда фоҳишалик билан шуғулланган аёлларнинг билагига ёхуд елкасига қиздирилган тамға босганлар. Бунингдек, жазо Оврўпода ҳам ўз вақтида авж олган (Дюманинг «Уч мушкетёр» асаридаги герцог тамғалаган манфур аёлнинг елкасидан тамғаланганини эслайлик-а...

«Тамға», «Қора тамға» ибораси ҳам сўнгги вақтларда, айниқса, радио эшиттиришлар, телекўрсатувлару ойнома ва рўзномалардаги мақолаларда, турли анжуманларда, танқидчиларнинг чиқишларида тез-тез ишлатилиб турибди. Шахсга сиғиниш даврларида Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат, Хуршид, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий, Абдулла Бадрий, Сўфизода, Тавалло, Тангриқул ҳожиларнинг пок шаънига «халқ душмани», «миллатчи», «пантуркист», аксилинқилобчи» каби қора тамға босганларнинг адолатсизлиги фош этиляпти, туҳматчилар эл нафратига дучор бўляпти...

«Тамға» ҳақида сўз бораркан, бу ўринда, яна эл орасида азалдан келган «тамғаи макруҳ», «тамғаи матруд», «тамғаи куфр», «тамғаи қудс», «тамғаи анис», «тамғаи маҳфий»лар тўғрисида ҳам бироз тўхтаб ўтишга тўғри келади. Масалан, бирон-бир киши нопок иш қилиб қўйган бўлса, унинг шаънига «тамғаи макруҳ» тушган, эл назаридан қолган, бадарға этилган. Нопок зотнинг шаънига эса «тамғаи матруд» битилган. Ҳаром ҳатти-ҳаракат қилган кимсага юртнинг «тамғаи куфр»и теккан. Халойиқ томонидан ёхуд давлат, ҳукмрон қарори билан оқланган киши «тоқи лаънат тамғаси»дан фориғ бўлиб, эндиликда унга «тамғаи қудс», яъни покланиш тамғаси амал қилган. Дўст бўлган дўстлик ришталарини мустаҳкам этган кишига «тамғаи анис» нисбати берилган. Маҳфий ҳужжатларга, қарорлару буйруқларга «тамғаи махфий» (секретно) муҳри, белгиси, тамғаси урилган ва урилиб келмоқда...

Оврўполиклар тилларида, аниқроғи, русчада ҳам «тамға» турли маънода ишлатилади, чунончи: «клеймо», «метка», «примета», «пометка», ҳатто «тавро» деб ҳам. Уларда ҳам «клеймо позора» (шармисорлик тамғаси), «клеймо предательства» (сотқинлик тамғаси), «клеймо ненависти» (кўролмаслик тамғаси), «клеймо зависти» (ҳасад тамғаси) каби иборалар, тушунчалар мавжуддир.

«Тамға» — «метка», «пометка» диний аснода ҳам қўлланилганини кўриш мумкин. Бунга «Михаил — меченный» ибораси ҳам мисол бўла олади. Маълумки, оврўполик, шу жумладан, россиялик тақводорлар, дин намояндалари собиқ СССР президенти Михаил Горбачевга ҳам «Михаил меченный» нисбатини бергандилар. Кўпинча бундай нисбат юзида, бошида, баданида қизил доғ (нор) билан туғилган одамга берилади. Бизларда ҳам қизғиш табиий «тамға» билан туғилган фарзандга «Норхўжа», «Норхон» дея исм қўядилар... Қадимда иягида бежирим табиий чуқурча билан туғилган қиз болага ҳуснилатифлик нисбатини бериб «чоҳи бобил» дейилган. Демак, «тамға» фақат инсон томонидан бунёд этилмайди, балки табиат тарафидан ҳам яратилади, мавжуд этилади.

Тўғри, русларда «тамға»ни «знак» деб ҳам атайдилар. Аммо уни «герб»га нисбатан ишлатганларида «клеймо» (тамға) билан «знак» (тамға) ўтасидаги тафовутни ҳам назарда тутадилар, бинобарин, «гербовое клеймо» деб эмас, «гербовый знак» дея қўллайдилар. Шунингдек, «Государственное клеймо»ни «Государственный герб» билан тенг ва бир маънода қўймайдилар. Зеро, давлатнинг рамзи билан давлатнинг белгиси ўртасида жиддий фарқ бор... Давлатнинг белгиси, тамғаси, масалан, фақат «Ўроқ ва болға» ёхуд «СССР» бўлиши мумкин ҳамда уни ушбу давлатда ишлаб чиқарилаётган дастгоҳ, пойабзал, телевизор, қандил, костюм, велосипедда акс эттириш мумкин. Давлатнинг «Сифат белгиси» ҳам бўлиши табиий. Агар «давлат герби»ни ушбу билан чеклаб, чегаралаб қўйилса, мантиқан ҳақиқатимиздан йироқроқ бўлиб қолади. Чунки унда ушбу давлатнинг энг асл томонлари, ўзига хос ноёб қирралари, мозийси-ю ҳозири, эзгу орзу-ниятлари ва интилишлари, куч-қудрати, моддий ва маънавий бойликлари, муқаддас анъаналарининг руҳияти ва ҳ. к. жилоланиб, мужассам топади, рамз тортади!.. Муайян шевалари билан у «Давлат байроғи», «Давлат мадҳияси» (гимни) билан ҳам уйғунлашади...

Ҳа, «Государственный герб» ва «негербовая (канцелярская) печать»ларнинг ўртасида ҳам мантиқий, ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий жиҳатдан тафовутларнинг мавжудлиги асло бежиз эмасдир. Буларнинг ўзига хос сиёсий, ҳуқуқий, масъулиятли салобати, даражаси, маънавий ва қадриятли пиллапоялари мавжуд. Мана шуларнинг ҳаммасини билган, идрок этган ҳолда қандай қилиб «Давлат герби»ни «Давлат тамғаси» тушунчаси, атамаси билан чеклаб чегаралаб, тор аснода ифодалашга олиб келиб қўйиш мумкин?! Агар биз неча йиллардан бери халқ орасида «тамға» атамасини (сўзини) «герб» у ёқда турсин, ҳатто «муҳр» (печать) сифатида ҳам маъно ташимай қўйганини назарда тутсак ва «тамға» эл ўртасида кўпроқ мол, қушлару ишлаб чиқариш маҳсулотларини белгилашга ишлатилишини эътиборга олсак ҳамда анча вақтлардан бери «тамға» салбий мазмун турдошликда ишлатилаётганини ҳам инкор этмасак («тилингга тамға босилганми?», «пок шаънига тамға урилди» каби) ва бунингдек, ҳақиқатни хаспўшламасак, айни ҳолда «герб»га ва, айниқса, «давлат герби» тушунчасига нисбатан «тамға» сўзини жиддий ўйлаброқ ишлатган бўлардик. Балки бу атамани гербга нисбатан, умуман, қўлламаганимиз ҳам маъқул. Бизнингча, бу ерда «герб»га нисбатан «тамға» эмас, «рамз» сўзини (атамасини) қўллаган маъқулроқ бўларди. Бинобарин, «давлат рамзи» ёхуд «давлат рамзияси» дея олмоқ (қўлламоқ) мантиққа, мақсадга мувофиқроқ бўлиб кўринмоқда.

Энди матбуотда «Ўзбекистон Республикаси янги давлат тамғасининг лойиҳаси ҳақида»ги тафсифнома билан бирга берилган иккала лойиҳа ҳам кўнгилдагидек эмаслиги, бу борадаги изланишлар ҳали анча юзакилиги, шаклан ва мазмунан бугунги нуқтаи-назардан талабга жавоб бера олмаслиги ҳақида ҳам сўзлаб ўтиш даркор. Қанот ёзиб турган Ҳумо қушининг икки томонида берилаётган пахта ва буғдой бошоқлари акс этган чамбарлар ана ўша аввалги Ўзбекистон ССР гербидан айнан олинган ва янги лойиҳага зўрма-зўраки пайванд этилган. Натижада янги топилмаларга интилиш билан эски аснодаги белгилар ўртасида мантиқий уйғунлик сезилмайди. Қолаверса, эндиликда бизда фақат пахта эмас, нефть, газ, ҳақиқий олтин ҳам жумҳурийятнинг катта бойлиги. Улар бизда деярли «қатағонга» учратиб юборилган буғдойга қараганда, салмоқлироқ аҳамият касб этмоқда... Лойиҳанинг биринчисидаги мусамман (саккиз қирра, саккиз бурчак) ҳам олтин узукка ёқут кўздек бўлиб тушмаётир; иккинчи лойиҳада эса мазкур белгининг «мошкичири»си чиқиб кетган — бу ерда мусамман ҳам берилаётир, унинг қобиғида ҳилол (уч кунлик ой) ва яна бунисининг қобиғида беш қиррали юлдуз! Ана ўша Ҳумонинг ёзиқ қанотларига сунъий тиркаб берилаётган оқ пахтали чамбар ва буғдой бошоқли чамбарлардаги икки бўлакдан иборат тасмалар ҳам унчалик тушунарли эмас. Агар республика байроғига бу ерда шаъма бўлса, у ҳолда ҳозирги Ўзбекистон байроғи икки эмас, уч рангда-ку!

Байроқ ҳақида гап бораркан, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ундаги белги давлат «герб»и (рамзида) бирон-бир аснода акс эттирилмаган, агар муайян қиррада жило топса, мақсадга мувофиқ бўларди. Хўш, нега энди байроғимиздаги ана ўша ой билан ўн иккита юлдуз давлат рамзи (герби)да ўз аксини топмас экан? Масалан, Ҳумо қушнинг ёзиқ қанотларини бир томонида байроғимиздаги уч рангни ўзида мужассам этган тасмалар (ленталар) билан ўралган бодом дарахтининг чиройли баргчали новдасини ва яна бир томонида худди шундай новдани берилса ҳамда мана шу бодом баргчаларининг устида (ёхуд орасида) олтитадан ўн иккита юлдузча кўрсатилса бўлмасмикан? Агар шундай қилинган ҳолда республикадаги автоном республика ва вилоятлар ушбу ўн икки юлдузчада ўз аксини рамзий аснода топган бўларди. Ана ўша қиррали янги ойни ҳалиги бодом новдаларининг учи эгилиб, яқинлашадиган жойга ўрнатса бўларди-ку!

Балки, яна бошқачароқ шаклда ўша янги ой ва унинг қобиғида ёруғ юлдуз ҳамда унинг акс-соя асноси (силуэти) сифатида яна ўн бир юлдуз берилар... Ана бу ҳам республика байроғидаги ою ўн икки юлдузга ҳамоҳанг белги бўлиб жилоланади. Яна бошқача шакллар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш мумкин. Чунончи, Самарқанддаги темурийлар архитектура ёдномаси, Мадрасаи — Шердордаги кулиб турган одамсифат қуёш, Бухородаги «Минораи калон» ёинки ана ўша қадимий Турондаги, Мовароуннаҳрдаги беназир ёдгорликлару, рамзиялар ҳам лойиҳа устида изланиш ишларини олиб бораётган ижодкор-рассомлар учун чинакам кашфиёт омили сифатида хизмат қилар...

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси янги давлат рамзи ёки рамзияси (герби) устида ҳали жиддий ижодий изланишларни давом эттириш лозим — бунга мозийимиздан ҳам, ҳозиримиздан ҳам бой, рангин имкониятлар топиб, ишлатса бўлади.

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,**
**Ёзувчилар, Театр арбоблари, Журналистлар уюшмаларининг аъзоси, санъатшунос олим.**

# ЎРТТМ

Ўзбекистон Республикаси Талаба Танлов Маркази

## Абитуриент–92: Тест асосидаги синовлар

# МУТАХАССИСЛИКЛАР–РЎЙХАТ ВА КОДЛАР

| | Олий ўқув юртлари (наименование вузов) | коди (код) |
|---|---|---|
| 1. | Тошкент ДПИ (ТГПИ) | 01 |
| 2. | Ангрен ДПИ (Ангрен.ГПИ) | 03 |
| 3. | Жиззах ДПИ (Джизак.ГПИ) | 04 |
| 4. | Қўқон ДПИ (Коканд.ГПИ) | 05 |
| 5. | Навоий ДПИ (Навоийск.ГПИ) | 06 |
| 6. | Андижон ДД (Анд.ГУ) | 11 |
| 7. | Бухоро ДД (Бух.ГУ) | 12 |
| 8. | ҚаршиДД(Карш.ГУ) | 13 |
| 9. | Наманган ДД (Нам.ГУ) | 14 |
| 10. | Самарқанд ДД (Сам.ГУ) | 15 |
| 11. | Гулистон ДД (Гулист.ГУ) | 16 |
| 12. | Термез ДД (Термез.ГУ) | 17 |
| 13. | Ургенч ДД (Ургенч.ГУ) | 18 |
| 14. | Фарғона ДД (Фер.ГУ) | 19 |
| 15. | Тошкент автомобил йўллар институти (ТАДИ) | 21 |
| 16. | Тошкент давлат техника дорилфунуни (ТГТУ) | 22 |
| 17. | Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти (ТИИИМСХ) | 23 |
| 18. | Тошкент текстил ва енгил саноати институти (ТИТЛП) | 24 |
| 19. | Тошкент электро-техника алоқалари институти (ТЭИС) | 25 |

### Ихтисосликлар коди (коды специальностей)
### Педагогика институтлари ва давлат дорилфунунлари
### (Педагогические институты и университеты)

| № | ИХТИСОСЛИКЛАР (специальности) | |
|---|---|---|
| 1. | а) Математика | 15 |
| | б) математика | 16 |
| 2. | а) Физика | 71 |
| | б) физика | 72 |
| 3. | а) Кимё | 73 |
| | б) химия | 74 |
| 4. | а) Биология | 75 |
| | б) биология | 76 |
| 5. | а) Жуғрофия | 03 |
| | б) география | 04 |
| 6. | а) Тарих | 05 |
| | б) история | 06 |
| 7. | а) Ҳуқуқшунослик | 93 |
| | б) правоведение | 94 |
| 8. | а) Ўзбек филологияси | 01 |
| 9. | а) Ўзбек тили ва адабиёти | 01 |
| 10. | б) Русский язык и литература | 02 |
| 11. | а) Чет тиллар | 13 |
| | б) иностранные языки | 14 |
| 12. | а) Меҳнат | 77 |
| | б) труд | 78 |
| 13. | а) Педагогика ва психология | 09 |
| | б) педагогика и психология | 10 |
| 14. | а) Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси | 11 |
| | б) педагогика и методика начального обучения | 12 |
| 15. | а) Дефектология | 91 |
| | б) дефектология | 92 |
| 16. | а) Тарбия ишлари педагогикаси ва методикаси | 07 |
| | б) педагогика и методика воспитательной работы | 08 |
| 17. | а) Меҳнат ва умумтехника фанлари | 79 |
| | б) труд и общетехнические дисциплины | 80 |
| 18. | а) Профессионал ўқитиш ва умумтехника фанлари | 81 |
| | б) профессиональное обучение и общетехнические дисциплины | 82 |
| 19. | а) Психология | 09 |
| | б) психология | 10 |
| 20. | а) Амалий социология | 11 |
| | б) прикладная социология | 12 |
| 21. | а) Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш | 85 |
| | б) экономика и управление производством | 86 |
| 22. | а) Иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш | 87 |
| | б) экономическое и социальное планирование | 88 |
| 23. | а) Халқаро иқтисодий алоқалар | 89 |
| | б) международные экономические отношения | 90 |
| 24. | а) Биотехник ва тиббий аппаратлар ва системалар | 83 |
| | б) биотехнические и медицинские аппараты и системы | 84 |
| 25. | а) Агрохимия ва тупроқшунослик | 81 |
| | б) агрохимия и землеведение | 82 |

### Тошкент автомобил йўллар институти
### Ташкентский автомобильно–дорожный институт

| № | Ихтисосликлар (специальности) | коди |
|---|---|---|
| 1. а) | Қурилишда иқтисодиёт ва бошқариш | 15 |
| б) | экономика и управление в строительстве | 16 |
| 2. а) | Транспортда иқтисодиёт ва бошқариш | 17 |
| б) | экономика и управление на транспорте | 18 |
| 3. а) | Ички ёнув юритгичлари | 19 |
| б) | двигатели внутреннего сгорания | 20 |
| 4. а) | Кўтарма транспорт, қурилиш, йўл машина ва жиҳозлари | 21 |
| б) | подъемно–транспортные, строительные, дорожные машины и оборудование | 22 |
| 5. а) | Автомобил хўжалиги | 23 |
| б) | автомобильное хозяйство | 24 |
| 6. а) | Транспортда ташиш ишларини ташкил қилиш ва бошқариш | 25 |
| б) | организация перевозок и управление на транспорте | 26 |
| 7. а) | Йўл ҳаракатини ташкил қилиш | 27 |
| б) | организация дорожного движения | 28 |
| 8. а) | Автомобил йўллар ва аэродромлар қурилиши | 29 |
| б) | строительство автомобильных дорог и аэродромов | 30 |
| 9. а) | Кўприклар ва транспорт тоннеллари | 31 |
| б) | мосты и транспортные тоннели | 32 |
| 10. а) | Бухгалтерия ҳисоботи, назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили | 33 |
| б) | бухгалтерский учет, контроль и анализ хозяйственной деятельности | 34 |

### Тошкент давлат техника дорилфунуни
### Ташкентский государственный технический университет

| № | Ихтисосликлар (специальности) | коди |
|---|---|---|
| 1. а) | Электр станциялари | 15 |
| б) | электрические станции | 16 |
| 2. а) | Электроэнергетика системалари ва тармоқлари | 17 |
| б) | Электроэнергетические системы и сети | 18 |
| 3. а) | Иссиқлик электр станциялари | 19 |
| б) | тепловые электрические станции | 20 |
| 4. а) | Иссиқлик электр станцияларида сув ва ёнилғи технологияси | 21 |
| б) | технология воды и топлива на тепловых электрических станциях | 22 |
| 5. а) | Электромеханика | 23 |
| б) | электромеханика | 24 |
| 6. а) | Электроэнергетика системаларини автоматик бошқариш | 25 |
| б) | автоматическое управление электроэнергетическими системами | 26 |
| 7. а) | Гидроэлектроэнергетика | 27 |
| б) | гидроэлектроэнергетика | 28 |
| 8. а) | Электр таъминлаш (тармоқлар буйича) | 29 |
| б) | электроснабжение (по отраслям) | 30 |
| 9. а) | Ишлаб чиқариш иссиқлик энергетикаси | 31 |
| б) | промышленная теплоэнергетика | 32 |
| 10. а) | Электроизоляция, кабел ва конденсатор техникаси | 33 |
| б) | электроизоляционная, кабельная и конденсаторная техника | 34 |
| 11. а) | Электр юритгич ва ишлаб чиқариш қурилмалари ва технологик комплексларини автоматлаштириш | 35 |
| б) | электропривод и автоматизация промышленных установок и технологических комплексов | 36 |
| 12. а) | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш | 37 |
| б) | автоматизация технологических процессов и производств | 38 |
| 13. а) | Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, системалари ва тармоқлари | 39 |
| б) | вычислительные машины, комплексы, системы и сети | 40 |
| 14. а) | Ахборот қайта ишлаш ва бошқаришни автоматлаштирилган системалари | 41 |
| б) | автоматизированные системы обработки информации и управления | 42 |
| 15. а) | Автоматлаштирилган лойиҳалаш системалари | 43 |
| б) | системы автоматизированного проектирования | 44 |
| 16. а) | Ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган системаларни программавий таъминоти | 45 |
| б) | программное обеспечение вычислительной техники и автоматизированных систем | 46 |
| 17. а) | Робототехника система ва комплекслари | 47 |
| б) | робототехнические системы и комплексы | 48 |
| 18. а) | Автоматлаштирилган электртехникавий қурилма ва системалари | 49 |
| б) | автоматизированные электротехнические установки и системы | 50 |
| 19. а) | Техник системаларда автоматика ва бошқариш | 51 |
| б) | автоматика и управление в технических системах | 52 |
| 20. а) | Электрон техника материаллари ва компонентлари физика ва технологияси | 53 |
| б) | физика и технология материалов и компонентов электронной техники | 54 |
| 21. а) | Электрон машинасозлик | 55 |
| б) | электронное машиностроение | 56 |
| 22. а) | Радиоэлектрон қурилмаларини конструкциялаш ва технологияси | 57 |
| б) | конструирование и технология радиоэлектронных средств | 58 |
| 23. а) | Электрон ҳисоблаш қурилмаларини конструкциялаш ва технологияси | 59 |
| б) | конструирование и технология электронных вычислительных средств | 60 |
| 24. а) | Электрон прибор ва қурилмалар | 61 |
| б) | электронные приборы и установки | 62 |
| 25. а) | Физикавий электроника | 63 |
| б) | физическая электроника | 64 |
| 26. а) | Микроэлектроника ва яримўтказгич приборлари | 65 |
| б) | микроэлектроника и полупроводниковые приборы | 66 |
| 27. а) | Ишлаб чиқариш электроникаси | 67 |
| б) | промышленная электроника | 68 |
| 28. а) | Радиотехника | 69 |
| б) | радиотехника | 70 |

### Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти
### Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

| № | Ихтисосликлар (специальности) | коди |
|---|---|---|
| 1. а) | Ер тузилиши | 71 |
| б) | землеустройство | 72 |
| 2 а) | Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш | 15 |
| б) | электрификация и автоматизация сельского хозяйства | 16 |

### Тошкент текстил ва енгил саноати институти
### Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

| № | Ихтисосликлар (специальности) | коди |
|---|---|---|
| 1. а) | Тўқимачилик ва енгил саноати иқтисодиёти ва бошқариш | 15 |
| б) | экономика и управление текстильной и легкой промышленности | 16 |
| 2. а) | Тўқимачилик, енгил саноат ва маиший хизмат кўрсатиш машина ва аппаратлари | 17 |
| б) | машины и аппараты текстильной, легкой промышленности и бытового обслуживания | 18 |
| 3. а) | Табиий толалар ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари | 71 |
| б) | технология и оборудование производства натуральных волокон | 72 |
| 4. а) | Табиий ва кимёвий толаларни йигириш | 73 |
| б) | прядение натуральных и химических волокон | 74 |
| 5. а) | Пардозлашнинг кимёвий технологияси ва жиҳозлари | 75 |
| б) | химическая технология и оборудование отделочного производства | 76 |
| 6. а) | Газмол ва трикотаж технологияси | 77 |
| б) | технология тканей и трикотажа | 78 |
| 7. а) | Тикув маҳсулотлари технологияси ва конструкциялаш | 79 |
| б) | технология и конструирование швейных изделий | 80 |
| 8. а) | Чарм маҳсулотлари технологияси ва конструкциялаш | 81 |
| б) | технология и конструирование изделий из кожи | 82 |
| 9. а) | Полиграфия ишлаб чиқариш технологияси | 83 |
| б) | технология полиграфического производства | 84 |

### Тошкент электротехника алоқалари институти
### Ташкентский электротехнический институт связи

| № | Ихтисосликлар (специальности) | коди |
|---|---|---|
| 1 а) | Автоматлаштирилган электр алоқа | 15 |
| б) | автоматическая электросвязь | 16 |
| 2 а) | Кўпканалли электр алоқа | 17 |
| б) | многоканальная электросвязь | 18 |
| 3 а) | Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение | 19 |
| б) | радиосвязь, радиовещание и телевидение | 20 |

**Эслатма:** а) — таълим ўзбек тилида олиб бориладиган ихтисосликлар рўйхати.
Примечание: список специальностей где обучение проводится на узбекском языке.
б) — таълим рус тилида олиб бориладиган ихтисосликлар рўйхати.
список специальностей где обучение проводится на русском языке.

| Олий ўқув юртлари ва мутахассисликлар | предметлар гуруҳи |
|---|---|
| 1<br>Педагогика институтлари ва университетларнинг филология (тил ва адабиёт) факультетлари. | 1<br>Она тили I<br>Социал билимлар IV<br>Чет тили V |
| 2<br>Жуғрофия, тарих, бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси, педагогика ва психология, тарбиявий ишлар педагогикаси ва методикаси, психология, амалий социология. | 2<br>Социал билимлар IV<br>Она тили I<br>Чет тили V |
| 3<br>Чет тиллари | 3<br>Чет тили V<br>Она тили I<br>Социал билимлар IV |
| 4<br>Педагогика институтлари ва университетларнинг математика факультетлари, Тошкент автотмобил йўллар институти, Тошкент давлат техника дорилфунуни, Тошкент электротехника алоқа институтларининг барча мутахассисликлари: Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш (Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаштириш ва механизациялаштириш институти): Тўқимачилик ва енгил саноати иқтисодиёти ва бошқариш; Тўқимачилик, енгил саноат ва маиший хизмат кўрсатиш машина ва аппаратлари (Тошкент Тўқимачилик ва енгилд саноат институти). | 4<br>Математика II<br>Табиий фанлар III<br>Она тили I |
| 5<br>Физика, кимё, биология, меҳнат, меҳнат ва умумтехника фанлари, профессионал ўқитиш ва умум техника фанлари, биотехника ва тиббий аппаратлар ва системалар, агрохимия ва тупроқшунослик, ер тузилиши, табиий толалар ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари, табиий ва кимёвий толаларни йигириш, пардозлашнинг кимёвий технологияси, тикув махсулотлари технологияси ва конструкциялаш, полиграфия ишлаб чиқариш технологияси, чарм махсулотлари технологияси ва конструкциялаш. | 5<br>Табиий фанлар III<br>Математика II<br>Она тили I |
| 6<br>Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш, иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш. | 6<br>Математика II<br>Социал билимлар IV<br>Она тили I |
| 7<br>Халқаро иқтисодий алоқалар | 7<br>Математика II<br>Чет тили V<br>Она тили I |
| 8<br>Дефектология | 8<br>Табиий фанлар III<br>Она тили I<br>Чет тили V |
| 9<br>Ҳуқуқшунослик | 9<br>Социал билимлар IV<br>Математика II<br>Она тили I |

# УМУМИЙ СЎЗЛАР КАМРОҚ, ИЛҒОР ТАЖРИБА КЎПРОҚ БЎЛСИН!

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

— Бу йил умумтаълим циклида барча фанлар бўйича, шунингдек, илмий бўлим мудирлари, мактаб директорлари учун алоҳида секциялар тузилади. Бундан ташқари, район (шаҳар) методика кабинетлари ходимлари, район (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирлари учун вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари иштирокида секция йиғилишларини ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

Муҳими, ишларнинг мазмундорлигидир. Умумий сўзлар камроқ, педагогларнинг илғор тажрибалари, ижодкорлиги, ташаббускорлиги кўпроқ бўлсин!

Шубҳасиз, методик ёрдам беришга эътибор қаратилади.

Умуман, мактаб методика бирлашмалари, район, шаҳар методика кенгашлари обрўсини ошириш зарур. Асосий педагогик масалалар худди ана шу даражада ҳал этилмоғи лозим. Бунда янги дастурлар, ишларнинг қизиқарли шакллари, йўналишлари кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши зарур.

**— Умумий ўрта таълим бўлими ҳозир қандай масалаларни ҳал қилмоқда, яқин вақт ичида қандай ишлар билан шуғулланилади, қандай муаммоларни энг муҳим деб ҳисоблайсиз?**

— Янги хилдаги мактабларга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу йўналишда масалалар, муаммолар, ишлар жуда кўп. Худди шунинг учун жаҳон мамлакатларидаги тажрибаларни, собиқ иттифоқ республикаларидаги тажрибаларни кўпроқ ўрганишни истардик. Бу, айниқса, педагог-амалиётчиларга таллуқли турли минтақалардаги ўз касбдошлари билан алоқа боғлаш улар учун ғоят муҳимдир. Биринчи навбатда бу етакчи ижодкор-педагогларга ҳозир муҳим муаммолардан бири бўлган дарсликларни яратиш бўйича ўз ишларини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Бироқ бу ўринда янги хилдаги мактаб раҳбарларини тайёрлаш зарурати тўғрисидаги масалани эътибордан четда қолдирмаслик керак. Афсуски, ҳозирча бизда мактаб-лицейлар, гимназияларнинг кўплаб директорлари, илмий бўлим мудирлари қайта тайёрлов курсларидан ўтганларича йўқ.

Хусусий мактаб-гимназияларга катта эътибор бериш лозим. Бу масалалар билан жиддий шуғулланадиган вақт келиб етди. Ҳолбуки, бу масалани ҳал этишни таълимни ташкил этишнинг бундай шаклидан манфаатдор бўлган ота-оналар тобора кескин кўпаймоқдалар.

Янги хилдаги мактаблар фаолияти тўғрисидаги масалага иқтидорли болаларни ўқитиш муаммоси ҳам боғлиқдир. Менимча, ҳар бир шаҳар, ҳар бир районда иқтидорли болалар билан иш олиб боришнинг режалари, дастурлари, дарсликлари, методикасини синаб кўришга имкон берадиган таянч мактабларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бугунги кунда ўқитувчи ижодкорлиги ҳар қачонгидан ҳам қадрлидир. Ҳолбуки, ҳозирги пайтда кўпчилик учун ўқувчига ўқитувчини танлаш ҳуқуқининг берилиши ақл бовар қилмас ва ажабтовур воқеликдек туюлаяпти. Ишонаманки, пировард оқибатда бунга эришилади.

Биз барча даражада методик ишларни яхшилаш орқали педагогга ёрдам беришимиз зарур. Айниқса, кадрлар масаласи муҳимдир. Чунки, тан олиб айтиш керакки, район (шаҳар) методика кабинетларига тасодифий ишга келиб қолган кишилар ҳали талайгина. Айни бир пайтда методик ишларга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Ҳатто вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг методика ишлари бўйича ўринбосари йўқлигининг ўзиёқ бу борада қилиниши лозим бўлган ишлардан далолатдир. Республика миқёсида ҳам худди шундай аҳвол. Ҳолбуки, Республика ўқув-методика маркази директори Халқ таълими вазирлиги ҳайъати аъзоси ва вазир ўринбосари бўлса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди? Бу, умуман, методик ишлар обрўсини кўтаришга имкон берарди.

Биз методик ишларга нисбатан мавжуд муносабатларни ўзгартиришга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, халқ таълими бўлимлари мудирлари, шаҳар (район) методика кабинетлари мудирлари учун барча даражадаги методик фаолиятни ўзига хос такомиллаштириб олишни амалга оширадиган республика методика семинарини ўтказишни режалаштираяпмиз.

Ўйлаймизки, бундай ишлар ўз натижаларини беради.

**— Суҳбатингиз учун раҳмат!**

*Қутлаймиз!*

Ҳурматли Атабой ЭРМЕТОВ!

Узоқ йиллар маориф соҳасида таълим-тарбияни юксалтириш, уни юқори поғоналар сари кўтариб чиқишда машаққатли йўлни босиб ўтдингиз.

Сиздан таълим олган шогирдларингиз қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида туриб ҳалоллик билан меҳнат қилишмоқда.

Бугун қутлуғ 60 ёшингиз, маориф соҳасидаги 40 йиллик фаолиятингизни нишонлар эканмиз, Сизга соғлиқ, оилавий тотувлик, ўғил-қизларингиз бахтига ҳамиша омон бўлиб юринг, деймиз.

ХИВА РАЙОНИДАГИ 1-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЖАМОАСИ.

# ТАВАЛЛО НИДОСИ

Ўзбек адабиётининг тараққиёти учун астойдил хизмат қилган алп шоирлардан бири Тавалло — Тўлаган Хўжамёровдир. Мустамлака даври сатрдир адабиётига улкан ҳисса қўшган ва янги тузум ҳимоячиларидан бири бўлган Тавалло 1883-йилда Тошкент шаҳрининг Обназир маҳалласида дунёга келди. Дастлабки таълимни Юсуф қори домладан олди. Кейинчалик рус-тузем мактабида ўқиди. 1900—1910-йилларда Прижевальск шаҳрида савдогар Усмонбек Солиҳжонбоевнинг гумаштаси (приказчик) бўлиб ишлади.

Таваллони ижтимоий миллий ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи мутлақо қониқтирмас эди. Ёш-ялангларнинг ўқимасдан, бир ҳунарнинг бошидан тутмасдан юриши, Туркистон тижоратининг ғайри миллатлар қўлига ўтиб кетаётгани, миллий бойликларнинг талон-тарож қилинаётгани безовта қилар эди. Шу боис ҳажвий асарларида саёқ юрувчи, руслар яшайдиган жойларда нобоп қилиқлар қилиб ўз халқи шаънига доғ тушурувчиларни кескин қоралади. Одамларни маърифатга чорлади. Ўзбек халқининг бошига тушган кулфатларнинг сабабчиси мустамлакачилик ва маърифатсизлик-илмсизликдир деб биларди у.

У даставвал шеър ёзишни 1900-йиллардан бошлади. 1905-йилдан эса Тавалло тахаллуси билан ижод қилади. Шу йилдан эътиборан, миссионер Н. Остроумов муҳаррирлигида чиқадиган Туркистон генерал-губернаторлигининг нашр афкори бўлган «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Туркистон», «Ойна» каби жарида ва ойномаларда маърифий ва ҳажвий шеърлари билан қатнашди.

Тавалло шеър ёзиш, ижод сирларини, Шарққа хос шеърий жанр анъаналарини мумтоз шоир Саидҳайбатуллаҳўжа Хиластдан ўрганади. Муқимий, Юсуф Сарёмий қаламига мансуб ғазаллар, ҳажвияларини ўқиб, уларга эргашиб ўзи ҳам шеър машқ қила бошлайди.

Маълумки, шоир ўз ижодини бошлаган даврда бутун Туркистон ўлкасида жадидчилик оқими пайдо бўлган эди. Бу оқим фидойилари мактаб ва маориф соҳасида, ижтимоий соҳаларда жиддий ўзгаришлар қилиш тарафдори эдилар. Тавалло ҳам шу оқимнинг фаол аъзоси бўлди. Шу боис унинг бу даврдаги ижоди жадидчилик ғоялари билан суғорилгандир.

Шоир исломнинг тараққий этиши, яъни исломга эътиқод қилувчи Туркистон халқларининг, хусусан, ўзбек элининг фаровон ҳаёт кечиришларини астойдил истайди. Шунинг учун ҳам у ўз асарининг номини «Равнақул ислом» деб атаган. Лекин совет адабиёти олами бу номдан чўчиб, шоирнинг ижодига анча вақт сўст қараб келди. Ҳолбуки, тўпламда исломчилик руҳи йўқ. Маърифатпарвар шоир бўлгани эътибордан четда турди. Масалан, унинг «Сўқ тараққий» шеъридан бир парча олайлик:

Тур, эй миллат, қўй, чиқ, буён уйқу каноридан,
Кўзинг оч, ибрат ол, сен ўзга миллат кори бориндан.
Жаҳолат чодирига буркалиб ётмоқни тарк айла,
Юр энди, қолма шунда ўзга миллатлар қаториндан.
Тавалло миллат болаларининг умрлари бекорга ўтаётганига ачинади.
...Мактабни қадрини билмаюр, бир эзгу ишни қилмаюр,
Ҳаргиз кўчадин келмаюр, нодон бизни батфелмиз.
Ғафлаткашида биз каби, ғам бирла кулфат ҳамдамиз,
Зарра тараққийдир кони ҳасратда қадди долмиз.

У инқилоб арафасида содир бўлган қаҳатчилик, қимматчилик кўпгина хонадонларга чексиз кулфат келтиргани изтироб билан куйлади. Ана шу воқеага бағишлаб, «Туркистон вилоятининг газети»да «Дариғ» шеърини эълон қилади. Ушбу шеърнинг қуйидаги мисралари киши кўнглини ларзага солади:

Қайда кетди зътиборлардан мурувватлар дариғ,
Қолмади ҳеч бир кишида меҳри-шафқатлар дариғ.
Камбағал бечоралар ҳолини сўрар бир кимса йўқ,
Тортадир қимматчиликда кунда заҳматлар дариғ.
Бойлар олди ғалла арзон чоғда анбар тўлдириб,
Камбағаллардан чиқар чанг, қилса ҳасратлар дариғ.
...Инсоннинг дунёқараши узоқ вақт мобайнида шаклланади ва тез ўзгариб кетавермайди. Таваллонинг ҳам дунёқараши, ижоди инқилобдан аввал шаклланган эди. Шу боис унинг ижодида ғоявий бутларга эмас, балки ягона Аллоҳга сиғиниш, инсон эркини қўйлаш устун. У умрининг охиригача шу фикрга содиқ қолди.

Р. ФАИЗУЛЛАЕВ.

Қуйида Таваллонинг шеърларидан бирини муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз.

## ИМТИҲОН УЧУН КЕЛГАНЛАРГА...

Ассалом, эй муҳтарамлар, марҳабо,
Этдингиз ташриф қадамлар, марҳабо.
Эшитинг воло ҳумамлар, марҳабо,
Фаҳм эдинг, кетсин бу ғамлар, марҳабо.
Шод ўлинг, соҳиб карамлар, марҳабо,
Куймади берган дирамлар, марҳабо.
Ўқидук, недин иборатдур жаҳон,
Ким ўқимабдур жаҳонга келмаган.
Вермасангизлар бизи мактаб, қачон,
Биз боролмасдук бугун ҳечқачон.
Шод ўлинг соҳиб карамлар, марҳабо,
Куймади берган дирамлар, марҳабо.
Фикримиз қилсун тараққий, эй худо,
Кўнглимиз ойнадек тобсун жило.
Ҳиммат этсунлар бугун бизни ото,
Деб бу ёшлар ёш тўкуб, айлар дуо,
Шод ўлинг соҳиб карамлар, марҳабо,
Куймади берган дирамлар, марҳабо.
Раҳматул буоламин хайр боллар,
Илм ўқинг, деб бизлара верди хабар,
Илмсиз инсон дарахти бесамар,
Ўқудуқ, билдук мунн, эй оталар,
Шод ўлунг соҳиб карамлар, марҳабо,
Куймади берган дирамлар, марҳабо!
Биз эмасму номаи аъмолингиз,
Биз учун эмасму йиқган молингиз,
Биздурмиз бахт ҳам иқболингиз,
Сарф эдингиз, биз сизи атфолингиз.
Шод ўлинг соҳиб карамлар, марҳабо!
Куймади берган дирамлар, марҳабо.

Нашрга тайёрловчи — муаллиф.

# ТАНЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

Бухоро шаҳридаги 24-ўрта мактаб-интернатда мусиқа илмини амалий ва назарий жиҳатдан пухта ўзлаштириб бораётган иқтидорли ўқувчилар ўртасида «Янгра созим» мавзуида ўзбек халқ чолғу асбобларида якка тартибда куйлар ижро этиш бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди. Мусиқа ўқитувчиси Мирзаали Содиқовнинг бевосита ташаббуси билан бу тадбирда ўн икки нафар ўқувчи ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Биринчи ўринни 7-синф ўқувчиси Акмал Аннақулов эгаллади. У қашқар рубобида «Шароф биринчи ва иккинчи» куйларини ижро этиб, кўпчиликнинг эътиборини тортди. 11-синф ўқувчиси Ўлмас Турдиев ғижжакда «Таснифи бузрук» куйини чалиб иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Ғижжакда «Севги мадҳи» куйини ижро этган 10-синф ўқувчиси Равшан Маҳкамов учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. 9-синфда таълим-тарбия олаётган Азиз Шукуров қашқар рубобида «Наврўзи ажам» куйини моҳирлик билан ижро этиб бергани учун унга рағбатлантирувчи мукофот насиб этди. Кўрик-танлов ғолибларига мактаб-интернат маъмурияти ва жамоатчилик ташкилотларининг эсдалик совғалари топшкрилди.

А. ҲАЙДАРОВ.

# Сардор МАҲМУД

Инглизчадан Жамолиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод таржимаси

**Яҳудийлар ва Ислом ғалабаси.** Шундан кейин Расулуллоҳ мағлубият нималигини билмади, бутун Арабистон тез орада мусулмонлар бошқарувига ўтди. Мадинада ва унинг теварак-атрофида бўзовталик уйғотиб туришда яҳудийлар ҳам маккаликлардан қолишмасди. Улар Пайғамбарнинг вазъ-насиҳатларига очиқдан-очиқ қарши чиқибгина қолмай, умуман мусулмонларга қарши фитналар уюштириб турардилар, ўзлари эса аҳил ва бой-бадавлат яшашарди. Расулуллоҳга яҳудийларни бостиргунча бир неча марта ғазовот олиб боришга тўғри келди. Бироқ шунга қадар яҳудийлар билан маккаликлар ўз куч-ғайратларини бирлаштириш ҳисобига 10 минг кишилик кучли қўшин тўплаб, Мадинага ҳужум қилдилар. Пайғамбар шаҳар олдида мудофаа ҳандақлари қаздиришга мажбур бўлди. Мусулмонлар шу даражада қаттиқ қаршилик кўрсатдиларки, душман уни енгиб ўтишга ҳам ва ўзи қочиб қутулишга ҳам ожиз эди. Расулуллоҳ энди яҳудийлар билан шуғулланиб, уларга шафқатсиз сабоқ берди. Яҳудийларнинг Ислом билан сўнгги жанги уларнинг Ҳайбар номли қалъасида бўлиб, бунда мусулмонлар ғолиб чиқдилар. Пайғамбарнинг ёш жияни Али худди шу савашда жасорат кўрсатди. Жангдан кейин Зайнаб исмли яҳудий қиз Расулуллоҳга ўта кучли ва тез таъсирли заҳар қўшилган таом қўйиб кетади. Пайғамбар овқатнинг оғу солинган бўлагини ажратиб, четга суриб қўяди.

**Ҳудайбияҳ сулҳи (628 йил).** Расулуллоҳ ўзи билан мусулмонларнинг катта бир гуруҳини Маккага ҳажга, яъни зиёратга бошлаб боради. Маккаликларнинг бошқа курашишга ҳоҳишлари бўлмаса ҳам, бундай катта йиғинга қарши эътироз билдирадилар, устига-устак мусулмонларнинг аксарияти қуролланган эди. Бир жиҳатдан бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки араблар қуролсиз юрмасдилар. Лекин шундай бўлса ҳам, маккаликлар ташвишга тушиб қолдилар. Шунча катта омма муқаддас чегарани босиб ўтишига уларнинг йўл қўйгилари келмади.. Мазкур масала юзасидан музокара бошлаб юборилди. Узоқ мулоқотдан кейин маккаликлар сулҳга рози бўлдилар. Худайбияҳ битими номи билан тарихга кирган бу воқеа Пайғамбарнинг сулҳ бобидаги буюк ғалабаси деб ҳисобланишининг боиси шундаки, маккаликлар мусулмонлар раҳнамосининг кўпгина шартларига кўнгандек бўлдилар. Шунга биноан улар Расулуллоҳ ваъз-насиҳатлар олиб бориб, арабларни ўз эътиқодларига қаратиш ҳуқуқини эътироф этдилар. Пайғамбар ва унинг умматлари Маккага ҳажга келиб туришларига ҳам розилик бердилар. Сулҳ 10 йил муддатга тузилди. Исломлаштиришга қарши барча тўсиқлар бартараф қилингач, минглаб араблар мусулмон динини қабул қила бошладилар. Ҳарбий саркарда Ҳолид ибн ал-Валид янги динга кирган энг машҳур кишилардан эди.

**Макканинг забт этилиши (630 йил).** Уша пайтда маккаликлар хатога йўл қўйишди. Милодий (630) йили улар мусулмонлар қабиласига ҳужум қилиб, сулҳни барбод қилдилар. Пайғамбар Маккага 10 минг кишилик катта қўшин тортди. Бу даврга келиб ҳамма нарса ўзгариб кетган эди. Энди маккаликлар Расулуллоҳдек саркарда бошқараётган шундай катта кучга юзма-юз бўлишга ночорликлари сабабли таслим бўлдилар. Уларнинг сардори Абу Суфён Ислом динини қабул қилди. Унинг ўғли Муовия Пайғамбарнинг ноибларидан бири бўлди. Арабистоннинг юраги саналмиш Макка бугал Расулуллоҳни осойишта кутиб олди. Қадимий шаҳарнинг қувғинди ўғли энди унинг бағрига музаффар бўлиб қайтди. Кўрган азоблари учун ўч олиш ўрнига бу «ғалати» инсон бутун яхшилик мужассами бўлиб кўринарди. У ўз душманларини авф этиб, араблар учун янги ҳулқ-атвор намунасини намойиш қилди. Каъбани барча бутлардан тозалатиб, у ерда энг аввало ибодат ўтказди. Мазкур муқаддас даргоҳ калитини унинг ҳақиқий соқчилари ворисига топшириб, аҳли инсонларни бу ерга қалбида тинчлик, осойишталик нияти билан келишга даъват этди. Бу Пайғамбарнинг марҳамати, олижанобликнинг юксак чўққиси фавқулодда донишмандлиги билан арабларнинг барчасига бирлик ва қардошлик ғоясини сингдира олди. У динга, Исломга эътиқод қўйиш билан бани башар қардошлиги ўртасида буюк алоқа борлигини таъкидларди. Оллоҳ олдида ҳамма инсонлар баробар дерди у. Ўз шахсий мисолида бойлар ва камбағаллар, кучли ва кучсизлар, оиласи бўлганлар ва ёлғизлар — барчаси тенг эканлигини кўрсатиб борарди. Унинг ўзи ҳам шундай инсонларнинг бири, ёлғиз фарқи шундаки, Оллоҳ таоло унинг воситасида ва у орқали бандалари билан мулоқотда бўларди.

**Пайғамбарнинг вафоти (632 йил).** Расулуллоҳ Маккани охирги марта 631 йили зиёрат қилди. Бу Қуръонга сўнгги ваҳий келган даврга мос тушди. «Бугун эътиқодингизни мукаммал қилдим ва шунингдек, Исломни дин қилиб танладим», — дейилганди унда. Шу муносабат билан Пайғамбар инсонларга мурожаат қилиб, сифатида баҳоланди, шу тарзда душманликни меҳр-оқибатга айлантирган ажойиб дин вужудга келди.

Муҳаммад Арабистон ҳокими. Навбатдаги йил охирига бориб, Расулуллоҳ бутун Арабистонга бошчилик қила бошлади. У ҳар бир қабилага ўгитлар юборибди, уларни намоз ўқишга ўргатар, ўз уруғи ёки қабиласи тарафдорлари бўлиш билан барчанинг битта ғояга содиқлиги ўртасидаги фарқни исботлаб берар эди. Уруғ ва қабилалар ўртасида асрлар бўйи мустаҳкамланиб келган феодал муносабатларни бекор қилиш бобида зўр куч-ғайрат кўрсатди, шахсиятининг қудрати, нотиқлик санъатининг кучи туфайли, буюк бардоши ва ёлғиз Оллоҳгагина ишонишга, бошқа худоларга сиғинишдан қочишга, ҳақиқат учун курашишга, барча мусулмонларга ўз ака-укаларидек меҳр қўйишга, бандаларга ожизларни ҳимоя қилиш, ёлғизлар ва хўрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳуқуқини беришга чақирдилар. Мадинадан қайтиб келгач, кўп ўтмай, у кўрпа-тўшак қилиб ётиб, бир неча кунлик бетобликдан кейин насроний йил ҳисобидан 632 йили (ҳижрий ҳисобида 10 йил) 8 июнда вафот этди. Шундай қилиб, Саҳронинг буюк фарзанди — башариятга янги орзу-умидлар таълимотини етказиб берган Ислом Пайғамбари оламдан ўтди.

**Пайғамбарнинг феъл-атвори.** Расулуллоҳ оддий одам бўлиб, инсонга хос ҳеч бир нарса — шоду хуррамлик ҳам, қайғу-ғам ҳам унга бегона эмасди. У ўзи камбағал ва етим бўлиб туриб, ҳеч қачон бойларга ҳавас қилмаган. Ниҳоятда, мўмин-қобиллигидан, ҳатто, шон-шуҳратга чулғанган пайтида ҳам ўзини мағрур тутмаган ва кибр-ҳавога берилмаган. Кишилар билан муомалада ҳар доим марҳаматли, камбағалларга, сўққабошларга, қашшоқлар ва очларга ғамхўр эди. Кишиларга ҳамдардлиги ва самимийлиги билан жуда катта меҳр-муҳаббат ва садоқатга сазовор бўлди. Ўзи хушмуомала ва одобли бўлган бу инсон бошқа кишилар ёвузлиги ва қўполлигини кўриб ҳафа бўларди. Бир куни у одамларнинг кўнглини оғритувчилар ва фитначилар иши гуноҳ эканлигига ишонганлари ҳолда Маккани таслим бўлишига ишонмаган кишиларга ёмон муомала қилган Ҳолид ибн ал-Валидга танбеҳ берган эди. У саховатпешаликни ҳурмат қилар ва ҳар қандай тақводорлик ва худо жўйлик билан айтилган сўзлардан хайрли ишларни афзал кўрар эди. Имкони бўлган ҳаммэ жойда билим излашда ўз умматларига ёрдам берарди. Барчани ақл билан иш кўришга чақирар, бунинг аҳамияти ва қийматини ҳар бир кишига уқтиришдан чарчамасди. Ўзини узоқ давр тақиб қилган душманларни кечириш билан бошқаларга асрлар бўйи хизмат қиладиган яхши ўрнак кўсатди. Жасур ва қатъиятли бу инсон ҳеч нарсадан қўрқмас ва ўз ишларида ҳеч қачон умидсизликка тушмас эди. Гарчанд унинг исми мусулмон дунёси наздида Оллоҳи эгам номи билан боғланган бўлса ҳам, у ҳамиша Худонинг буюклиги, иродаси олдида итоаткор, унинг амрида қўрқувчи мусулмон банда эди. Бу оддий инсон ўзининг жуфти ҳалоли ва садоқатли турмуш ўртоғи вафотидан кейин турли вазият ва воқеалар тақозоси билан бир неча марта уйланишга мажбур бўлди: у ҳар хил қабилалар билан иттифоқ тузиб, диний алоқаларни мустаҳкамлашга интиларди. Расулуллоҳ уч қиз ва икки ўғил кўрди, ўғиллари гўдаклигидаёқ нобуд бўлиб, фақат битта қизи — Фотима ундан ёдгор қолди. У Пайғамбарнинг жияни, дўсти ва ишининг содиқ давомчиси Алига турмушга чиқди.

**Ислом — умуминсоний дин.** Бошқа таълимотлардан фарқли равишда Ислом динида бешта мажбурий талаб мавжуд. Уларнинг ҳар бири муайян мазмун ва аниқ мақсадга эга. Ушбу талабларни чала ёки қисман эътироф этиш ва бажариш ҳеч кимни асл мусулмон қилолмайди ва Оллоҳ таоло Исломга бундай муносабатни мутлақо маъқул кўрмайди. Ислом дини фақат тан олишни эмас, бутун вужуди, қалби билан қабул қилишни талаб этади. У бошқа динларни инкор қилмайди: Оллоҳи аълам барча халқларга ўзининг муқаддас сўзларини ва Пайғамбарини ато қилган. Одам атодан тортиб кўплаб Пайғамбарлар тайинланганки, уларнинг ҳар қайсиси ўз даврида инсонларга раҳнамолик қилган. Бироқ шунга қарамасдан одамлар уларни унутиб қўйиб, бутун борлиқнинг ягона ҳокими бўлган ёлғиз Қодир Оллоҳга эътиқод қилмасдан, ўзлари ўйлаб топган бошқа худоларга сиғина бошладилар. Илгари кишилар авом оломонни ташкил қилар эдилар, шу жиҳатдан ҳам баъзан уларни мажбур қилишга, қалбларига яхшилик уруғини сочишга тўғри келарди. Лекин вақти келиб, инсон етукликка эришди, энди илгариги пайғамбарлар таълимотида қисман бўлмаган жиҳатларни тўлдириб, такомилга етказар, деган мақсадда унга анча мукаммал сўз йўллаш зарур бўлиб қолди. Муҳаммад ана шу ишни амалга оширган сўнгги Пайғамбар бўлди.

(Давоми бор).

(Боши рўзноманинг ўтган сонларида).

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича қуйидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАФЕДРА МУДИРИ:

— меҳнат таълими методикаси;
— ишлаб чиқариш асослари;
— жисмоний тарбия;
— мусиқа тарихи ва назарияси.

ПРОФЕССОРЛАР:

— умумий тилшунослик.

ДОЦЕНТЛАР:

— геометрия;
— математик таҳлил (2 нафар);
— атеизм ва дин тарихи;
— этика ва эстетика (2 нафар);
— сиёсий иқтисод (3 нафар);
— олигофренопедагогика ва логопедия (2 нафар);
— ўзбек адабиёти;
— рус ва чет эл адабиёти (3 нафар);
— ўзбек классик адабиёти (4 нафар);
— халқ чолғу асбоблари;
— физика ўқитиш методикаси;
— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси;
— ботаника;
— табиий жуғрофия;
— тарих (2 нафар).

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:

— биология ўқитиш методикаси;
— қаламтасвир;
— фортепиано (2 нафар);
— мактабгача тарбия методикаси;
— болалар руҳшунослиги;
— халқ чолғу асбоблари;
— математика ўқитиш методикаси;
— хор дирижёрлиги;
— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси;
— умумий тилшунослик;
— ўзбек гуруҳларида рус тили (табиий факультетларда);
— ўзбек адабиёти (2 нафар);
— янги ва энг янги тарих;
— меҳнат таълими методикаси.

ЎҚИТУВЧИЛАР:

— тиббий билимлар асослари;
— ишлаб чиқариш асослари (2 нафар);
— жисмоний тарбия (3 нафар);
— таржима назарияси ва амалиёти;
— рус ва чет эл адабиёти;
— эски ўзбек тили ва ёзуви (2 нафар);
— мактабгача тарбия методикаси;
— овоз қўйиш ва ашула;
— математика ўқитиш методикаси;
— рус тилшунослиги (2 нафар);
— умумий педагогика (3 нафар);
— умумий тилшунослик;
— ўзбек тилшунослиги;
— умумий руҳшунослик;
— рангтасвир (4 нафар);
— ўқитиш техника воситалари (2 нафар);
— ўзбек гуруҳларида рус тили (табиий факультетларида, 3 нафар);
— рус гуруҳларида ўзбек тили (2 нафар);
— кимё;
— информатика ва ҳисоблаш техникаси;
— умумтехник фанлар;
— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси.

ТАНЛОВ МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲГА ЮБОРИНГ: 700100, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ГЛИНКА КЎЧАСИ, 3-УЙ, НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ.

## ЖАНГЧИ НОМИ БЕРИЛДИ

Ниёзхон Жиғаев номини Муборак ноҳияси меҳнаткашлари яхши биладилар. У ҳарбий хизматини ўтаётган пайтида Афғонистонда қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди.

Куни кеча «Муборак» давлат хўжалиги ҳудудидаги 11-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилиши муносабати билан ҳамқишлоқлари ана шу илм маскани Н. Жиғаев номи билан юритишга қарор қилишди.

А. ЭРКАЕВ.
Қашқадарё вилояти.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Саида Зуннунова номидаги Бўз педагогика билим юрти жамоаси ходимлари билим юрти директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, шоир Тўланбой Низомовга (Тўлан Низом) турмуш ўртоғи

ҲИКМАТХОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги меҳнат фахрийси, вазирликнинг собиқ ходими

Роза Исматуллаевна ЧУРЯКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Бўз педагогика билим юрти директори Тўланбой Низомовга турмуш ўртоғи

ҲИКМАТХОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 88. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. Тиражи 15000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12